

# Одамлар писанд қилмай қўйган ҳаром амаллар

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]

*Муҳаммад Солиҳ ал-Мунажжид*

**Таржимон:** *Ислом Нури*

[www.islamnuri.com](http://www.islamnuri.com)

2013 - 1434

[www.info-islam.tk](http://www.info-islam.tk)

# محرمات استهان بها كثير من الناس

« باللغة الأوزبكية »

محمد صالح المنجد

مترجم: Islamnuri

[www.islamnuri.com](http://www.islamnuri.com)

2013 - 1434

[www.info-islam.tk](http://www.info-islam.tk)

## *Бисмиллаҳир роҳманир роҳим*

Барча ҳамду санолар Оллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Оллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Оллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир, деб гувоҳлик бераман.

Сўнг, Оллоҳ азза ва жалла фарз амалларни вазифа қилиб белгилаб қўйди, уларни тарк қилиш мумкин эмас. Худудларни чегаралаб қўйди, уларни бузиш жоиз эмас ва баъзи нарсаларни ҳаром қилди, уларга рия қилмаслик мумкин эмас. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *"Оллоҳ Китобида нимани ҳалол қилган бўлса, у ҳалолдир, нимани ҳаром қилган бўлса, у ҳаромдир, нимадан сукут қилган бўлса, у илтифотдир, Оллоҳдан илтифотни қабул қилинглр, чунки Оллоҳ унутувчи эмас. Кейин: "Парвардигоринг унутувчи эмас", оятини ўқидилар"*. (Ҳоким ривояти).

Ҳаром қилинган амал ва нарсалар Оллоҳнинг чегараларидир: **"Кимки Оллоҳ чегараларидан**

**тажовуз қилиб ўтса, аниқки у ўзига зулм қилибди".** (Талок: 1).

Оллоҳнинг чегараларини бузиб ўтган ҳамда ҳаром қилинган амал ва нарсаларга риоя қилмаганларга Оллоҳ аза ва жалла таҳдид қилиб шундай деган: **"Ким Оллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоатсизлик қилиб Оллоҳнинг белгилаб қўйган ҳадларидан тажовуз қилса, уни абадий қоладиган жойи бўлмиш дўзахга киритур. Унинг учун хор қилувчи азоб бордир".** (Нисо: 14).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзларига кўра ҳаромлардан сақланиш фарздир: *"Сизларни нимадан қайтарган бўлсам, ундан четланинглар ва нимага буюрган бўлсам, уни қодир бўлганингизча қилинглар"*. (Муслим ривояти).

Баъзи нафс-ҳавосига эргашган, заиф ва нодон кимсалар, ҳаром нарсалар ҳақида гап эшитса, аччиғи чиқиб, норози ҳолда: "Ҳамма нарса ҳаром, бирон нарса қолдирмай ҳаммасини ҳаром қилиб, ҳаётимизни зерикарли қилдингиз, юрагимизни сиқиб юбордингиз, сизларга қолса ҳамма нарса ҳаром. Дин энгил бўлса, озгина кенглик қилиш керак-ку. Оллоҳ Кечирувчи, Раҳимлидир", дейдилар.

Биз уларга айтамиз: "Оллоҳ жалла ва ало хоҳлаганини ҳукм қилади, Унинг ҳукмини таъқиб

килувчи йўқдир. Оллоҳ ҳикмат соҳиби (ҳар нарсадан) огоҳдир. Оллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани ҳалол, хоҳлаганини ҳаром қилади. Бизнинг бандалигимиз тақозо қилган иш Оллоҳ таолонинг ҳукмига рози бўлиб, сўзсиз таслим бўлишдир.

Оллоҳ таолонинг ҳукмлари беҳудага ва ўйин-ҳазил учун эмас, балки Унинг илми, ҳикмати ва адли билан содир бўлувчидир. Оллоҳ таоло деди: **"Парвардигорингизнинг сўзлари сидқу адолатда комил бўлди. Унинг сўзларини ўзгартирувчи йўқдир. У эшитувчи, билувчи- дир"**. (Анъом: 115).

Ҳалол ва ҳаромда суяниладиган қондани бизларга баён қилиб Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида бундай деган: **"...пок нарсаларни улар учун ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қилади"**. (Аъроф: 157). **"...пок нарсалар"**- ҳалол, **"...нопок нарсалар"**- ҳаромдир.

Ҳалол ёки ҳаром қилиш ёлғиз Оллоҳнинг ҳаққидир. Ким бу ҳақни ўзи ёки бошқа кимса учун даъво қилса, Исломдан чиқиб, кофир бўлади: **"Балки улар учун (куфр ва ширк каби) Оллоҳ буюрмаган нарсаларни — «дин»ни уларга шариат қилиб берган шериклари — бутлари бордир?!"**. (Шўро: 21).

Қуръон ва суннатни билувчи олимлардан бошқа бирон кимсани ҳалол ва ҳаром масаласида гапириши жоиз эмас. Билиб билмасдан, бу ҳалол, бу ҳаром дегувчиларга қаттиқ ваъидлар келган: **"Оллоҳ шаънига ёлғон тўқиш учун** (яъни, Оллоҳ буюрмаган ҳукмларни Оллоҳники дейиш учун) **тилларин- гизга келган ёлғонни гапириб: «Бу ҳалол, бу ҳаром», деяверманглар! Чунки Оллоҳ шаънига ёлғон тўқийдиган кимсалар ҳеч нажот топмаслар"**. (Наҳл: 116).

Қатъий ҳаром қилинган нарсалар Қуръон ва суннатда зикр қилинган: **"Айтинг: «Келинглар, Парвардигорингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни тиловат қилиб берай. У зотга бирон нарсани шерик қилмангиз; ота-онага яхшилик қилингиз; болаларингизни камба- ғалликдан (қўрқиб) ўлдирмангиз..."** оятнинг давомига қаранг. (Анъом: 151).

Ҳадисларда ҳам ҳаромлар зикр қилинган, жумладан: *"Оллоҳ таоло маст қилувчи ичимлик, ўлимтик, тўнғиз ва бутларнинг (савдосини) ҳаром қилди"*. (Абу Довуд ривояти).

*"Оллоҳ бирор нарсани ҳаром қилса, унинг пулини ҳам ҳаром қилган"*. (Дору Кутний ривояти).

Яна қуръонда ҳаром нарсаларнинг алоҳида турлари зикр қилинган. Масалан, ҳаром таомлар

хақида келган оят: **"Сизларга ўлакка, қон, тўнғиз гўшти, Оллоҳдан бошқа бировнинг йўлида сўйилган нарса, бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган, баланд жойдан қулаб ўлган бошқа бирон ҳайвон билан сузишиб ўлган... сизларга ҳаром қилинди"**. (Моид: 3).

Никоҳда ҳаром қилинганлар ҳақидаги оят: **"Сизлар учун оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, эмишган оналарингиз, эмишган опа-сингилларингиз, қайноналарингиз мана шу санаб ўтилган аёлларга уйланиш ҳаром қилинган"**. (Нисо:23).

Ҳаром касбларлар ҳақидаги оят: **"Оллоҳ олди-сотдини ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган"**. (Бақара:275).

Оллоҳ таоло бандаларга меҳрибон Зот бўлганидан, чексиз ва турли ноз-неъматларни ҳалол қилиб берди. Ҳалол нарсалар ҳисобсиз кўп бўлганидан, бизга уларни муфассал баён қилмади. Балки биз билиб, улардан сақланишимиз учун саноклик бўлган ҳаром нарсаларнигина муфассал баён қилди: **"Ахир У сизларга ҳаром қилинган нарсаларни муфассал баён қилган-ку, магар**

**музтар бўлиб қолган ҳолингиздагина** (у нарсалардан ейишингиз мумкин)". (Анъом: 119).

Модомики пок бўлар экан, ҳалол нарсаларни умумий суратда мубоҳ қилди: **"Эй одамлар, ердаги ҳалол-пок нарсалардан енглар ва шайтоннинг изидан эргашманглар! Шуб- ҳасиз, у сизларнинг очиқ душманингиздир"**. (Бақара: 168).

Ҳаром эканига далил бўлмас экан, нарсаларнинг асли ҳалол экани, шунингдек, Оллоҳнинг раҳмати, карами ва бандаларга кенгчилигидир. Бу неъматни учун, Оллоҳ таолога тоат-ибодат, ҳамду сано ва шукр қилиш бизларга лозимдир.

Баъзи одамларга ҳаром нарсаларни санаб, муфассал баён қилинса, шариат аҳкомларидан юраклари сиқилиб қолади. Бу уларнинг иймонларининг заифлиги ва шариатни билмасликларидандир. Улар динни осон эканига қаноат ҳосил қилишлари учун, уларга ҳалол нарсаларнинг ҳамма турини санаб чиқилишини хоҳлайдиларми? Ёки шариат уларнинг ҳаётларини оғир қилмаётганига қалблари таскин топиши учун, пок нарсаларнинг ҳамма турини ҳисоблаб чиқилишини истайдиларми?

- Шариатга мувофиқ сўйилган туя, сигир, қўй, қуён, кийик, эчки, товуқ, каптар, ўрдак, ғоз ва туя қуш



гўшти ҳамда чигиртка ва балиқни ўлгани ҳам ҳалолдир...

- Кўкатлар, полиз экинлари, мевалар, дон-дунлар ва фойдали маҳсулотлар ҳалолдир...

- Сув, сут, асал, ёғ ва сирка ҳалолдир...

- Туз, қалампир ва зираворлар ҳалолдир...

- Ёғоч, темир, қум, тош, елим, шиша ва резиналарни ишлатиш ҳалолдир...

- От, туяларга, машина, поезд, кема ва таййораларга миниш ҳалолдир...

- Кондиционер, музлатгич, кир ювиш машинаси, сочик, тегирмон, хамир чиқарадиган, гўшт майдалайдиган ускуналар, жувоз, табобат ускуналари, муҳандислик, ҳисоб, фалакиёт ва архитектура асбоблари ва расадхоналар, сув, нефт ва қазилма бойликлар қазиб чиқариш, селеция ишлари, таҳлил қилиш (анализ), босмаҳона ва пул чиқариб берувчи (банкомат) ускуналари ҳалолдир...

- Пахтадан қилинган, жундан тўқилган газмол, духоба, пахмоқ, мубоҳ терилар, нейлон ва политилен ҳалолдир...

- Никоҳ, савдо-сотик, кафолат, ҳавола (қарзни бир зиммадан бошқа зиммага ўтиши), ижара, касб-хунарлар: дурадгорлик, темир-чилик, устачилик ва чўпонлик ҳалолдир, деб айтилишини хоҳлайдиларми?

Мана кўринг, ҳалол нарсаларни келтираверилса, жой этади деб ўйлайдиларми? Нега бу қавм кишилари ҳеч гап англамайдилар-а?!

Аммо "дин энгил" деб хужжат келтиришлари эса, "Ҳақ билан ботилни мақсад қилиш" қабилидандир. Зеро, бу диндаги энгиллик тушунчаси, одамларнинг нафс-ҳавоси ва фикрларига кўра эмас, балки шариат олиб келган кўрсатмаларга кўрадир. Дин энгилдир деган хужжатни ушлаб олиб ҳаромларга риоя қилмаслик ва шариат рухсат берган: сафарда намозни қаср қилиб жамлаш ёки рўза тутмаслик ёки муқим учун бир кун, мусофирга эса уч кун маҳсига масҳ тортиш, сувдан топилмаганда таяммум қилиш, касаллик ёки ёмғир пайтида намозни жамлаш, совчи кўйган аёлга қарашнинг мубоҳлиги, қасам каффоратида қул озод қилиш, ё мискинларни едириш, ё кийдириш ўртасида ихтиёр берилиши, музтар ҳолатда ўлакса ейиш ва булардан бошқа рухсатлар ва шариат энгилликлари ўртасида катта фарқ бордир. Бунга кўшимча, баъзи нарсаларнинг ҳаром қилинишида бир қанча ҳикматлар бор эканини мусулмонлар билишлари лозим. Шулардан: Ҳаром нарсалар билан Оллоҳ таоло бандаларни имтиҳон қилиб, уларни қандай амал қилишларига қарайди. Жаннат аҳлини дўзах аҳлидан ажратиш йўллари:

аҳли дўзахлар, дўзах улар билан ўралган шахватларга шўнғиб кетадилар, жаннат аҳллари эса, жаннат улар билан ўралган машаққатларга сабр қиладилар. Агар бу имтиҳон бўлмаганида, гуноҳкорни итоаткордан ажратиб бўлмас эди. Иймон аҳли буйруқ ва қайтариқлар машаққатига, ажрга эришиш ва Оллоҳнинг розилигига етиш учун, буйруқларини бажариш эътибори билан қарайдилар, шунинг учун машаққатлар уларга енгил бўлади. Нифоқ аҳли эса буйруқ ва қайтариқлар машаққатига, алам, озор ва маҳрумлик назари билан қарайдилар, шунинг учун алам-озор уларга оғир ва тоат ҳам қийин бўлади.

Ҳаром нарсаларни тарк қилиш билан итоаткор мўмин ҳаловат топади. Ким бирор нарсани Оллоҳ учун тарк қилса, Оллоҳ ундан ҳам яхшисини эваз қилади, бунга қўшимча мўмин киши қалбида иймон лаззатини топади.

Муҳтарам ўқувчиларимиз бу китобда ҳаромлигига далиллар Қуръон ва Суннат ила баён қилинган, шариатда ҳаромлиги собит бўлган бир қанча ҳаром нарсаларни топадилар. Ҳаром нарсалар ёки унинг баъзи турлари ҳақида ўтган уламолар китоблар тасниф қилишган: *"Кабуир"* каби ва яна шу мавзудаги яхши китоблардан Ибн Наҳҳос Димашқийнинг *"Жоҳиллар амалларидан гофилларни*

*огоҳлан- тириш*" китоблари бор. Бу ҳаром нарсаларни қилиш, бизнинг замонамизда кўп мусулмонлар орасида кенг тарқалиб қолди. Буларни эслатишдан мақсадим мусулмонларга ҳаром амалларни баён қилиш ва шу билан бирга насиҳат қилиб қўйишдир. Оллоҳ таолодан ўзим ва барча мусулмон биродарларим учун ҳидоят, тавфиқ, Оллоҳ аза ва жалланинг ҳудудларидан ўтмаслик, ҳаром нарсалардан бизларни сақлаб, гуноҳлардан пок қилишини сўраб қоламиз: **"Зотан, Оллоҳ энг яхши сақловчидир ва У зот меҳрибонларнинг меҳрибонроғидир"**.

## **1. Оллоҳга ширк келтириш**

Ҳаром нарсаларнинг энг буюғи шубҳасиз Оллоҳга ширк келтиришдир. Абу Бакра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *"Энг катта гуноҳ ҳақида сизларга хабар берайми?, деб уч мартта айтдилар. Саҳобалар: "Ҳа, хабар беринг ё Расулуллоҳ", дейишди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Оллоҳга ширк келтириш... ", дедилар.* (Муттафақун алайх).

Оллоҳ таоло ширкдан бошқа гуноҳларни кечирishi мумкин, аммо ширкни кечирмайди, унга алоҳида тавба қилиш лозим: **"Албатта Оллоҳ Ўзига**

(бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур". (Нисо: 48).

Ислом миллатидан чиқарадиган катта ширклар бор, унинг соҳиби агар шу ҳолатида вафот этса, дўзахда абадий қолади. Кўпгина мусулмон юртларда таркаган шундай ширк турларининг кўринишларидан: Қабрларга сиғиниш

## **2. Ўликлардан мадад сўраш**

Вафот этиб кетган авлиёлар хожатларни қондириб, ғам ташвишларни кеткизади деган эътиқод билан, улардан ёрдам, мадад ва қўллаб-қувватлашни сўраш. Ҳолбуки, Оллоҳ таоло айтган: "**Раббингиз сизни фақат унинг ўзигагина ибодат қилишингизга амр қилди**". (Исро:23).

## **3. Ўликларга дуо қилиш**

Шунингдек ўтиб кетган пайғамбарлар, солих кишилар ва бошқалардан шафоат истаб ёки бошига тушган кулфатлардан халос қилишни сўраб дуо қилиш, Оллоҳ таоло деди: "(Оллоҳга олиҳаларни шерик қилиб ибодат қилишингиз яхшироқми?) **ёки музтар-ночор одам дуо-илтижо қилган вақтида (дуосини) ижобат қиладиган ва (унинг) мушқулини осон қиладиган ҳамда сизларни ернинг эгалари**

**киладиган зотми?! Оллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?!".** (Намл: 62).

Баъзилар турса ҳам, ўтирса ҳам қоқилса ҳам бирон-бир пир ёки авлиёнинг исмини зикр қилишни ўзига одат ва дин қилиб олади. Оғир аҳволга тушиб қолса ёки мусибат ва ғам-ташвиш етса: баъзилар ё Муҳаммад, баъзилар ё Али, ё Ҳусайн, ё Бадавий, ё Жийлоний, ё Шозалий, ё Рифоий, ё Айдарус, ё саййида Зайнаб, ё Баҳоуддин ва ё Зангибува деб илтижо қилади. Ҳолбуки, Оллоҳ таоло бундай деган: **"Шубҳасиз, Оллоҳдан ўзга: сизлар илтижо қилаётган нарсалар худди (сизнинг) ўзларингиз каби бандадирлар. Агар ростгўй бўлсангизлар, сизлар уларга дуо қилинглар, улар сизларга ижобат қилсинлар-чи?!".** (Аъроф: 194).

#### **4. Қабрларни тавоф қилиш, улуғлаш**

Баъзи қабрпарастлар, қабрларни тавоф қиладилар, устун ва бурчакларини силаб, юзларини суриб, остонасини ўпадилар. Қабр олдида бўйинларини эгиб, ўзларини хор тутиб, тазарруъ билан ёлвориб талабларини, ҳожатларини сўрайдилар. Беморлар дардларига шифо тилаган, бефарзандлар фарзанд талаб қилган, ҳожатини енгиллашини сўраган ва гоҳо қабрда ётган кишига нола қилиб: "Эй саййидим,

хузурингизга узоқ шаҳардан келдим, мени ноумид қилманг", дейди. Оллоҳ таоло айтади: **"Оллоҳни кўйиб, Қиёмат кунигача ҳам (дуони) ижобат қила олмайдиган олиҳаларга дуо-илтижо қиладиган кимсадан ҳам адашганроқ ким бор?! Холбуки улар (жонсиз олиҳа)лар ўша (мушрик)ларнинг дуоларидан ғофилдурлар"**. (Ахқоф:5).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам ҳадис шарифда: *"Ким Оллоҳдан бошқага дуо қилиб вафот этса дўзахга киради"*, деб хабар берганлар. (Имом Бухорий ривояти).

## **5. Қабрни улуғлаб унинг олдида соч қирдириш**

Баъзи кишилар қабр олдида сочларини қирадилар, қўлларида "Зиёрат қилиш одоблари" номли китоблари ҳам бор бўлиб, бу билан улар авлиёлар қабрларини зиёрат қилишни мақсад қиладилар.

## **6. Ўликларни Оллоҳнинг рубубиятида шерик қилиш**

Баъзилар: "Авлиёлар коинотни бошқара оладилар, улар фойда ва зарар беришга қодирлар", деб эътиқод қиладилар. Оллоҳ аза ва жалла айтади: **"Агар Оллоҳ сизга бирон зиён етказса, уни фақат Ўзигина кетказа олур. Агар сизга бирон яхшилик**

(етказишни) ирода қилса, Унинг фазлу марҳаматини қайтара олувчи йўқдир...". (Юнус: 107).

## **7. Мақбараларга шам ва чироқлар назр қилиш**

Шунингдек, қабр эгаларига шам ва чироқларни назр қиладилар, Оллоҳдан бошқа учун назр қилиш ҳам ширкнинг турларидандир.

## **8. Оллоҳдан бошқа учун қурбонлик қилиш**

Яна катта ширк турларидан: Оллоҳдан бошқа учун қурбонлик қилиш. Оллоҳ таоло деди: **"Раббингиз учунгина намоз ўқинг ва қурбонлик қилинг"**. (Кавсар: 2). Яъни Оллоҳ учун ва Оллоҳнинг номи билан сўйинг!

Ҳадисда келган: *"Оллоҳдан бошқа учун қурбонлик қилган кимсага Оллоҳнинг лаънати бўлсин"*. (Имом Муслим ривояти).

Жонлиқ сўйиш гоҳида икки ҳаром нарсани ўзида жамлайди: Оллоҳдан бошқа учун сўйиш ва Оллоҳдан бошқанинг номи билан сўйиш.

Бу иккала хил сўйилган жонлиқни истеъмол қилиш ҳаромдир. Бизнинг асримизда тарқалган жоҳилий қурбонликлар жумласидан: "Жинларга атаб



сўйиш", бунинг кўриниши, баъзилар ҳовли сотиб олсалар ёки уй қурсалар ва ё қудуқ қазисалар, унинг ёнида ёки остонасида, жинларнинг зарар етказишидан кўрқиб қон чиқарадилар.

**9, 10, 11. Оллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қилиш ёки Оллоҳ ҳалол қилган нарсани ҳаром қилиш ёки Оллоҳдан бошқа бирон кимса бу нарсада ҳақга эга дейиш ёки жоҳилий ҳукм ва қонунларга ўз ихтиёри билан рози бўлиб ҳукм юритиш ва буни жоиз деб эътиқод қилиш**

Оллоҳ азза ва жалла бунинг катта куфр эканини зикр қилиб шундай деган: "Улар Оллоҳни қўйиб ўзларининг донишманд-ларини ва роҳибларини Раб қилиб олдилар". (Тавба:31).

Адий ибн Хотим Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ушбу оятни эшитганида: "Ахир улар, уларга ибодат қилмас эдилар", деганида. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "*Тўғри, лекин уларга Оллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол дейишса ҳалол дейишар ва Оллоҳ ҳалол қилган нарсани ҳаром дейишса ҳаром дейишарди. Мана шу уларга бўлган ибодат-ларидир*", деб жавоб бердилар". (Имом Байҳақий ривояти).

Оллоҳ таоло мушрикларни сифатлаб шундай деди: **"Оллоҳ ва унинг Расули ҳаром деган нарсани ҳаром деб билмайдилар, ҳақ (яъни Ислому) динига эътиқод қилмайдилар"**. (Тавба: 29).

Яна Оллоҳнинг сўзи: **"Айтинг, хабар берингизчи (эй мушриклар) Оллоҳ сизлар учун нозил қилган ризқдан (айримларини) ҳаром, (айримларини) ҳалол қилиб олдингиз. Айтинг: (бундай қилишга) Оллоҳ сизларга изн бердими ёки Оллоҳ шаънига бўҳтон қилмоқдамисизлар?!"**. (Юнус: 59).

## **12, 13. Сеҳр, коҳинлик ва фолбинлик**

Сеҳр — кифрдин ва етти ҳалок қилувчи гуноҳи кабиранинг биридир. Сеҳр зарар беради, фойда бермайди. Оллоҳ таоло сеҳрни ўрганиш ҳақида шундай деган: **"Уларга фойда бермайдиган, билъакс зарарли нарсаларни ўрганадилар"**. (Бақара:102).

Бошқа оятда эса бундай деган: **"Сеҳргар қаерда бўлмасин нажот топмас"**. (Тоҳа:69).

Сеҳр билан шуғулланадиган киши кофир бўлади. Бу ҳақда Оллоҳ таоло айтади: **"Сулаймон кофир эмас эди, балки одамларга сеҳр ўргатадиган шайтонлар кофир эдилар. Бобилдаги Ҳорут ва Морут номли фаришталарга туширилган**

**нарсаларга эргашадилар.— Холбуки, у фаришталар: «Биз фақатгина фитнамиз (яъни одамларни алдаб имтиҳон қилиш учун юборилганмиз), бас, (биз айтган нарсаларни қилиб) кофир бўлиб қолма», демасдан туриб ҳеч кимга ҳеч нарса ўргатмас эдилар ..".** (Бақара:102).

Сеҳргарлик ҳаром ва жирканч бўлиб, сеҳргарнинг ҳукми эса, қатл қилинишидир. Баъзи жоҳил, иймони заиф кишилар, бошқалар билан ҳисоблашиб кўйиш ёки ўч олиш учун сеҳргарга борадилар, бошқа баъзилари эса сеҳрни қайтариш учун сеҳргарга мурожаат қилиб, унга таяниб ҳаром ишга қўл урадилар. Аслида эса Оллоҳ таолога илтижо қилиб, шифони ҳам Оллоҳдан сўраб, куръон оятларидан сеҳрни қайтарувчи ҳамда мўминлар учун шифо бўладиган: "Фотиҳа", "Ихлос" ва "Муаввизатайн" ("Фалак", "Нос") каби сураларни ўқиш лозимдир.

Ғайбни билишни даъво қилганлари учун коҳин ва фолбинлар ҳам Оллоҳ азза ва жаллага кофир бўлган кимсалардан бўладилар, зеро Оллоҳдан бошқа ҳеч ким ғайбни билмайди.

Фолбинлар содда, ишонувчан одамларнинг пулларини олиш учун турли: қумга чизик тортиш, чиғанокда фол кўриш, кафт, пиёла, чинни идиш ва кўзгудан ўқиш каби хийла-найрангларни

ишлатадилар. Агар бир марта тўғри топсалар, тўксон тўққиз мартга ёлғон айтадилар. Гофил, қалб кўзи кўр одамлар эса буни фаҳмига бормай, ўша битта тўғри айтганини ушлаб олиб, келажакларини, бахтлилик ёки бахтсизлик, оила ва тижорат ишларида ҳамда йўқотган нарсаларни топишлари учун ва яна шунга ўхшаш турли масала ва муаммолари билан фолбинлар ҳузурига борадилар.

Фолбинлар ҳузурига бориш ҳукмига келсак, агар улар айтаётган сўзларни тасдиқласа киши кофир бўлиб, Ислом миллатидан чиқади. Бунга далил Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзларидир: *"Ким коҳин ёки фолбиннинг олдига бориб, у айтган нарсаларни тасдиқласа, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил бўлган нарсага кофир бўлибди"*. (Имом Аҳмад ривояти).

Аммо фолбинга борувчи, уларни тасдиқламай, шунчаки бир синаш учун борган бўлса, кофир бўлмайди, лекин намоз ўқиш ва тавба қилишнинг фарзлиги билан бирга қирқ кун намози қабул бўлмайди. Бунга далил ушбу ҳадисдир: *"Ким фолбинга бориб, бирон нарса ҳақида ундан сўраса, қирқ кун унинг намози қабул қилинмайди"*. (Имом Муслим ривояти).

## **14. Бурж ва юлдузларнинг ҳодисалар ва инсонларнинг ҳаётида таъсири бор деб эътиқод қилиш**

Зайд ибн Холид ал-Жуханий айтди: "Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам Худайбияда бомдод намозини бизларга ўқиб бердилар. Тунда ёмғир ёган эди. Намоз тугагач инсонларга юзландилар ва *"Раббингиз нима деганини биласизлар-ми?!"* дедилар. Саҳобалар: "Оллоҳ ва унинг Расули билувчироқ", дейишди. Оллоҳ айтди: **"Бандаларимдан менга мўмин бўлувчилари ва кофир бўлувчилари бор. Ким Оллоҳнинг фазли ва раҳмати билан бизга ёмғир ёғди деса, менга мўмин, юлдузларга кофирдир, аммо ким фалон ва фалон навъи билан (яъни юлдузлар туфайли) деса, менга кофир ва юлдузларга мўминдир"**. (Имом Бухорий ривояти).

Рўзнома ва ойномаларда чиқадиган бурж ва мунажжимлар башорати каби жаҳолатларга мурожаат қилиш ҳам шулар жумласидандир. Агар ундаги нарсаларда юлдуз ва фалакларнинг таъсири бор деб эътиқод қилса, мушрик бўлади. Агар шунчаки бир эрмак учун ўқиса осий, гуноҳкор бўлади. Сабаби шайтон алайҳи лаъна инсоннинг қалбига, шунга ишонишни солиб ва бу нарса ширкка олиб бориш

эхтимоли борлиги учун, ширк бўлган нарсаларни ўқиш эрмак учун ҳам жоиз бўлмайди.

## **15. Оллоҳ аzza ва жалла манфаатсиз қилган нарсаларда манфаат бор, деб эътиқод қилиш**

Баъзи инсонлар тумор, исирик, тақа, кўзмунчоқ, чиғаноқ ва шунга ўхшаш нарсаларнинг манфаати бор деб ишонадилар. Буни улар сеҳргар, фолбин ёки ёши катталардан эшитганлар. Шунинг учун бу нарсаларни кўздан сақлаш ёки балоларни қайтариш мақсадида, уйларига, сўриларига, автоуловларига, бўйинларига ва болаларига осиб, ҳатто кийимларига тикиб кўядилар. Баъзилар эса ҳар хил тошлардан ясалган узуклар тақиб оладилар. Бу шубҳасиз Оллоҳга бўлган таваккулни бекор қилади, инсонга заифликни зиёда қилади ҳамда бу ҳаром билан даволанишдир. Одамлар осиб олган туморларнинг аксари очиқ ширк бўлиб, жин ва шайтонлардан ёрдам сўрашдир. Уларнинг баъзиларида ноаниқ расмлар чизилган ёки тушуниб бўлмайдиган ёзувлар бўлади. Айрим сеҳргарлар Қуръон оятларини ширк билан аралаштириб ёзадилар, баъзилари эса нажосатлар ва ҳайз қони билан ёзадилар. Бундай туморларни осиб олиш ҳаромдир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *"Ким тумор осиб олса мушрик бўлганлигида ҳеч шак-шубҳа йўқдир"*. (Имом Аҳмад ривояти).

Бу ишларни қилувчи киши, мана шу нарсалар Оллоҳнинг изнисиз ўзлари мустақил равишда фойда ё зарар беради, деб эътиқод қилса, катта ширк қилган мушрик бўлади. Агар улар фойда ё зарарга сабабдирлар, деб эътиқод қилса – ҳолбуки Оллоҳ уларни сабаб қилмаган – кичик ширк қилган мушрик бўлади ва бу сабаблардаги ширк бобига киради.

(Таржимондан: Буларга кўшимча тарзда, бошқа бир ҳадисда: "Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишининг кўлида мисдан бўлган ҳалқани кўриб: *"Бу нима?"*, деб сўрадилар. У киши: *"Заифликдан"* деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: *"Бунни ечиб ташла, бу сенга фақат заифликнигина зиёда қилади. Агар шу нарса бўлган ҳолатда ўлиб кетсанг, ҳаргиз нажот топа олмайсан"*, дедилар. (Имом Аҳмад ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишининг кўлида истмадан ип тақиб олганини кўриб кесиб ташладилар-да: **"Уларнинг кўпчилиги мушрик бўлган ҳолатда Оллоҳга иймон келтирадилар"**, деган оятни ўқидилар.

Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу дедилар, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдим, У зот шундай дедилар: *"Дам солиши (парихонлар, азайимхонларнинг дам солиши каби), тумор ва иситма-совутма ширкдир"*. (Имом Аҳмад ва Абу Довуд ривояти).

Тумор — кўздан сақлаш учун осиладиган нарсадир. Иссиқ-совуқ аёлни эрига, эрни аёлига яхши кўрсатади, деган даъво билан қилинадиган амалдир. Саҳиҳ ҳадисда: *"Ким бир нарса осиб олса ўша нарсага топирилади"*, дейилган. (Имом Аҳмад ва Термизий ривояти).

## **16. Ибодатда риё қилиш**

Солиҳ амалнинг шарти риёдан холис ва суннатга мувофиқ бўлишидир. Бирон-бир ибодатни инсонларга кўз-кўз қилиш учун қилган одам, кичкина ширк келтирган мушрик бўлади, ҳамда қилган амали ҳам бекор бўлади, масалан, риё учун намоз ўқиш, садақа қилиш ва ҳоказо. Оллоҳ таоло айтади: **"Албатта мунофиқлар Оллоҳни алдамоқчи бўладилар. Ҳолбуки Оллоҳ уларни "алдаб" қўйувчидир ва қачон намозга турсалар дангасалик билан, хўжақўрсинга турадилар ва Оллоҳни камдан-кам ёдга оладилар"**. (Нисо:142).



Шунингдек бирон-бир амалининг хабари тарқаша ёки инсонлар уни эшитишлари учун қилган бўлса, бу ҳам ширк бўлиб, буни қилувчига қаттиқ ваъидлар ворид бўлган. Шулардан Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисда шундай дейилган: *"Ким бир амални одамлар эшитсин деб қилса, Оллоҳ уни шарманда қилур, ким одамлар орасида мўътабар бўлиши учун яхши ишни зоҳир қилса, Оллоҳ уни ҳақиқатини очиб расво қилур"*. (Имом Муслим ривояти).

Ким бир ибодатни Оллоҳ ва инсонларни қасд қилиб қилса, унинг амали бекордир. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Оллоҳ таборака ва таоло айтди: «Мен шерикларнинг шерикликдан энг беҳожат бўлганидирман. Ким бирон амал қилиб, унда Менга бошқани шерик қилса, Мен уни шерик қилган нарсаси билан тарк қиламан»*. (Муслим ривояти).

Ким бир амални Оллоҳ учун бошлаган бўлса, сўнг унга риё аралашиб қолса, тезда уни даф қилса, амали дуруст бўлади. Лекин у хотиржам бўлиб, нафси у билан таскин топса, аксар аҳли илмларнинг сўзига кўра амали ботил бўлади.

## 17. Шумланиш (ирим қилиш)

Оллоҳ таоло Қуръони каримда айтган: "Агар уларга яхшилик келса "Бунга ўзимиз ҳақдормиз" дейишди. Агар уларга бирон ёмонлик етиб қолса, Мусо ва у билан бирга (унга иймон келтирган) кишилардан бадгумон бўлдилар". (Аъроф:131).

Арабларнинг одати, агар улардан бири бир ишни қилмоқчи бўлса, масалан, сафарга чиқмоқчи бўлса, кўниб турган қушни учирай, агар ўнг тарафга учиб кетса буни яхшиликка йўйиб, сафарини бошларди. Агар чап тарафга учиб кетса, буни ёмон аломат деб шумланарди-да орқасига қайтарди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу амалнинг ҳукмини баён қилиб: *"Шумланиш ширкдир"*, деганлар. (Имом Аҳмад ривояти).

Ҳаром бўлган ҳамда комил тавҳидни йўқ қилувчи бундай эътиқодга: ойларда ирим қилиш — сафар ойида тўй қилмаслик каби, кунларда ирим қилиш — ҳар ойнинг охири чоршанбасини нахс-шумлиги ҳеч кетмайдиган кун дейиш каби. Рақамларда ирим қилиш — 13чи рақам каби, исмларда ва айбли кишиларда ирим қилиш, масалан, дўконини очиш учун кетаётган киши, кўзи ғилай одамни кўриб қолиб, орқасига қайтиб кетгани каби ва шунга ўхшаш қилинадиган иримлар ва шумланишлар киради.

Буларнинг ҳаммаси ҳаром ишлар бўлиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундайлардан безор эканликларини эълон қилганлар: *"Ким шумланса ва у учун шумланилса, фол очса ва у учун фол очилса ёки сеҳр қилса ва у учун сеҳр қилинса биздан эмас"*. (Табароний ривояти).

Ким шундай ишларга тушиб қолса, бунинг каффорати Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумо ривоят қилган ҳадисдаги Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзларидир: *"Шумланиш кимни бирон ишдан қайтарса ширк қилибди"*. Саҳобалар: "Эй Расулуллоҳ, бунинг каффорати нима?", деб сўрадилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *"Парвардигоро, Сен яхшилик аломати этган нарсагина яхшилик аломатидир, Сен ёмонлик аломати этган нарсагина ёмонлик аломатидир ва Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқдир"*, деб айтишингиз дедилар". (Имом Аҳмад ривояти).

Шумланиш нафснинг табиатидан бўлиб, озайиб ва кўпайиб туради. Бундан халос бўлишнинг энг катта йўли, Оллоҳ азза ва жаллага таваккул қилишдир. Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтганлар: *"Қайси биримизнинг нафсимизга мана шу шумланиш- дан бирон нарса тушиб қолса, Оллоҳ таоло уни таваккул билан кетказар эди"*. (Абу Довуд ривояти).

## **18. Оллоҳдан бошқа билан қасам ичиш**

Оллоҳ субҳанаҳу ва таоло ўзи яратган махлуқотларнинг хоҳлагани билан қасам ичади. Аммо махлуқлар Оллоҳдан бошқа билан қасам ичишлари мумкин эмас. Кўпгина инсонларнинг тилларида Оллоҳдан бошқа билан қасам ичиш жорий бўлиб кетган, ваҳоланки қасам улуғлашнинг бир тури бўлиб, Оллоҳдан бошқага лойиқ эмасдир. Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо ривоят қилган ҳадисда: *"Огоҳ бўлингизким, Оллоҳ сизларни ота-боболарингиз номи билан қасам ичишингиздан қайтарган. Ким қасам ичса, Оллоҳ номи билан қасам ичсин ёки жим бўлсин"*, дейилган. (Имом Бухорий ривояти).

Бошқа ҳадисда: *"Ким Оллоҳдан бошқа билан қасам ичса, ширк қилибди"*. (Имом Аҳмад ривояти).

Яна бир ҳадисда эса: *"Ким омонат билан қасам ичса, биздан эмас"*, дейилган. (Абу Довуд ривояти).

Каъба, омонат, шараф ёки фалончининг баракаси ва ё ҳаёти билан, пайғамбарлар ёки авлиёларнинг ҳаққи-хурмати билан, ота-она ва авлодлар билан қасам ичиш мумкин эмас. Буларнинг барчаси ҳаромдир. Кимда шулардан бири содир бўлиб қолса, яъни шуларнинг бири билан қасам ичиб қўйса, унинг каффорати "Ла илаҳа иллаллоҳ" дейишдир. Саҳиҳ ҳадисда: *"Ким қасам ичса ва қасамида Лот, Уззо*

номи билан деса, ла илаҳа иллаллоҳ деб қўйсин", деб келади. (Имом Бухорий ривояти).

Ушбу бобнинг тахтига дохил бўладиган, баъзи мусулмонлар билиб-билмай айтиб юрган ширк ва ҳаром сўзлар ҳам бор. Масалан, «Оллоҳ ва сендан паноҳ истайман», «Оллоҳ ва сенга суянганман», «Оллоҳ ва сен бўлмаганинда», «бу Оллоҳдан ва сендан», «мен учун осмонда Оллоҳ, ерда сен», «Оллоҳ ва фалончи бўлмаганида», «мен Исломдан безорман», «табиат инжиқликлари», «табиат шуни хоҳлади» ва «замон бузилиб кетди», «ёмон замон бўлди», «бу омадсиз (нахс) пайт», «замон алдовчи» ва ҳоказо замонни сўкадиган барча иборалар мумкин эмас, чунки буларнинг бари шу замонни яратган Оллоҳга қайтади.

Оллоҳдан бошқага бандаликни боғлаб қўядиган исмлар, масалан, "Абдулмасиҳ", "Абдуннабий", "Абдуррасул" ва "Абдулхусайн"га ўхшаш. Буларнинг барини истеймол қилиш жоиз эмас. Шунингдек, янги пайдо бўлган ва тавҳидга хилоф истилоҳ ва иборалардан: Ислом социализми, Ислом демократияси, Халқнинг иродаси — Оллоҳнинг иродасидир, Дин Оллоҳ учун — Ватан барча учун, Араблар номи билан ва Революция номи билан.

Яна ҳаром бўлган лафзлардан: "олампаҳо", "шоҳаншоҳ", "балогардон" шунга ўхшаш сўзларни инсонларга ишлатиш ва ҳамда "сайид" ва шу маънодаги сўзларни кофир ёки мунофиқ кишиларга ишлатиш (араб тилида бўладими ёки бошқа тиллардами баробар). Ғазаб, надомат ва ғам-қайғуга далолат қилувчи "агар" калимасини ишлатиш ("Агар ит бўлмаганда, уйни ўғри урарди" дейиш каби), чунки "агар" сўзи шайтоннинг амалини очади. "Оллоҳ агар хоҳласанг мени кечир" дейиш ҳам ҳаром. Юқорида ўтган барча сўзларнинг истеъмоли жоиз эмас.

## **19. Мунофиқ ва фосиқ кишилар билан улфат бўлиб бирга ўтириш**

Иймон қалбларидан мустаҳкам ўрин олмаган кўпгина кишилар, фосиқ ва фожирлар билан бирга ўтирадилар. Ҳатто "баъзилар" Оллоҳнинг шариатини ҳақорат қиладиган, Оллоҳнинг дини ва дўстларини масхаралаётган кимсалар билан ҳамтовоқлик қиладилар. Шубҳасиз, бу нарса ақийдага путур етказадиган ҳаром амаллар- дандир. Оллоҳ таоло Қуръонда шундай деган: **"Қачон бизнинг оятларимизни (масхара қилишга) киришаётган кимсаларни кўрсан- гиз, то бошқа гапга киришгунларига қадар улардан юз ўгиринг! Энди агар шайтон ёдингиздан чиқарса, эслаганингиздан**

**сўнг бу золим қавм билан бирга ўтирманг"**. (Анъом: 68).

Бундай фосиқ ва фожир кимсалар, яқин қариндош ва яқин дўст ёки хушмуомала бўлсалар ҳам улар билан бирга ўтириш мумкин эмас. Лекин уларни даъват қилиш ёки ботилларини рад этиш ва уларни инкор қилиш мақсадида бўлса жоиз, аммо рози бўлиб ўтирса, ёки гапира олмай жим ўтирса мумкин эмас.

Оллоҳ таоло айтади: **"Агар сизлар улардан рози бўлсангизлар ҳам, Оллоҳ бу фосиқ қавмдан ҳеч рози бўлмайди"**. (Тавба: 96).

**"Ахир Оллоҳ сизларга Китобда: "Қачонки, Оллоҳнинг оятлари инкор қилинаётганини ва масхара қилинаётганини эшитсангизлар, то бошқа гапга ўтмагунларича ундай кимсалар билан бирга ўтирманглар"**, деган сўзларни нозил қилган эди-ку?! (Модомики, улар билан ўтирган экансиз) демак, сизлар ҳам шак-шубҳасиз уларнинг ўзисиз. Албатта, Оллоҳ барча мунофиқ ва кофирларни жаҳаннамга жамлагувчидир". (Нисо: 140).

## **20. Намозда хотиржамликни тарк қилиш**

Энг катта ўғрилик — бу намоздан ўғирлашдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *"Инсонларнинг ичидаги энг ёмон ўғри, намозидан*

*ўғирлайдиган кишидир*". Саҳобалар: "Эй Расулуллоҳ, намозидан қандай ўғирлайди", дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *"Рукуъ ва саждаларни мукаммал қилмайди"*. (Имом Аҳмад ривояти).

Намозда хотиржамликни тарк қилиш, рукуъ ва саждаларда белни текис қилмаслик, рукуъдан кўтарилганда қаддини ростламаслик ҳамда икки сажда орасида тик ўтирмаслик, буларнинг бари кўпгина намозхонларда топиладиган қусурлардир. Бугунги кунда намозларида хотиржамликни тарк қиладиганлардан холи масжидни топиш амримаҳол бўлиб қолди. Ваҳоланки, намозда хотиржамлик унинг рукнларидан биридир, усиз намоз дуруст бўлмайди, иш жиддийдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *"Рукуъ ва саждаларда орқасини текис қилмагунча кишининг намози ўтмайди"*. (Абу Довуд ривояти).

Шубҳасиз намозни тез, шошилиб ўқиш зажр ва ваъидга лойиқ бўлган мункар ишдир. Абу Абдуллоҳ Ашъарий айтадилар: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳоблари билан намоз ўқидилар. Сўнг уларнинг бир тоифаси билан ўтирган эдилар, бир киши кириб намоз ўқий бошлади ва рукуъ, саждаларни худди дон чўкигандек тез-тез қилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:



*"Мана буни кўряпсизми? Ким мана шу ҳолатда ўлса, Муҳаммаднинг динидан бошқа динда ўлган бўлади, намозини худди қарга қон чўқиётгандек ўқимоқда. Худди дон чўқигандек тез-тез рукуъ ва саждаларни қилган кишининг мисоли, бир ё икки хурмо еган қорни оч кишига ўхшайди, бу эса унинг очлигини кетказа олмайди", дедилар. (Ибн Ҳузайма ривояти).*

Зайд ибн Ваҳб ривоят қилади: Ҳузайфа разияллоҳу анҳу рукуъ ва саждаларни мукаммал қилмаётган кишини кўриб унга деди: "Сен намоз ўқимадинг, агар шу ҳолда ўлсанг, Исломдан бошқа динда ўласан". (Бухорий ривояти).

Намозда хотиржамликни йўқотганлар бу ҳукмларни билганларидан сўнг, намозни оҳиста, хотиржам ўқишлари ва ўтган намозларидаги камчиликларига Оллоҳга кўп тавба қилишлари лозим.

## **21. Намозда ўйнаш ва ортиқча ҳаракат қилиш**

Бу нарса ҳам кўпчилик мусулмонлар омон қолмаган офатлардандир, чунки улар Оллоҳ таолонинг ушбу оятига бўйсунмайдилар: **"Намозларингизда Оллоҳ учун хушў билан туринглар"**. (Бақара:238).

Ҳамда мана бу оятни тушунмайдилар: **"Дарҳақиқат мўминлар нажот топдилар. Улар**

**намозларида хушуъ (кўрқув ва умид) билан бўйин эгувчи кишилардир".** (Мўминун:1-2).

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам саждада тупроқни текислаш ҳақида сўралганларида: *"Намоз ўқиётганингда суртма, агар (жуда) суртиш лозим бўлса, унда бир марта майда тошларни силаб текисла"*, деб айтганлар.

Аҳли илмлар айтишганки: "Эҳтиёжсиз кўп ва кетма-кет ҳаракат қилиш намозни бузади". Энди жойнамозни устида туриб, Оллоҳнинг ҳузурида турган ҳолимизда биримиз соатимизга қарасак, биримиз кийимимизни тўғирласак, биримиз бурнимизни, қулоғимизни тозаласак, яна биримиз ўннга, чапга ва осмонга қарасак, кўзимиз ўйилиб тушишидан кўркмаймизми? Шайтон намозимиздан чалғитиб, савобини олиб қўйишидан кўркмаймизми?

## **22. Имомга эргашган кишининг имомдан ўзиб кетиши**

Шошқалоқлик инсон табиати: **"Инсон шошқалоқдир"**. (Исро:11).

Ҳадисда: *"Сабр Оллоҳдан ва шошқалоқлик шайтондан"*, дейилган. (Имом Байҳақий ривояти).

Айрим намозхонлар қасдданми ёки эътиборсизликданми, намознинг бир рукнидан иккинчи рукнига ўтишда имомдан олдин кетиб

коладилар. Яъни, рукуъ ва саждаларда имомдан олдин эгилади ёки имомдан олдин бош кўтардилар, хатто саломни ҳам имомдан олдин бериб кўядилар. Кўпчилик намозхонлар наздида аҳамиятсиздек кўринаётган бу амал ҳақида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қаттиқ ваъидлар келган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: *"Имомдан олдин бошини кўтараётган киши, Оллоҳ таоло унинг бошини эшакнинг бошига айлантириб қўйишидан қўрқмайдими"*. (Имом Муслим ривояти).

Биз намозга шошмасдан, хотиржам ва виқор билан келишга буюрилганмиз, гарчи жамоат намозни бошлаган бўлса ҳам. Демак, намозга келишда шошмасдан, хотиржам келишга буюрилган экан, намозни ичида бу нарсаларга амал қилиш авлороқ бўлади. Баъзи намозхонлар гоҳо имомдан ўтиб кетсалар, гоҳида жуда қолиб кетадилар. Фуқаҳоларимиз бу масалада гўзал меъёрни зикр қилиб шундай дейишган: *"Имомга иқтидо қилган киши, имом такбирни айтиб бўлгандан сўнггина, ҳаракатга киришмоқлиги лозим бўлади"*. Демак имом *"Оллоҳу акбар"* калимасидаги *"Р"* ҳарфини айтиб бўлгач, имомга эргашганлар ҳаракатга киришадилар, бундан олдин ҳам бажармайдилар ва бундан кечиктирмайдилар ҳам. Мана шу асосдир.

Саҳобаи киромлар имомдан олдин ўтиб кетмасликка ниҳоятда қаттиқ эътибор берар эдилар. Баро ибн Озиб разияллоҳу анҳу шундай деганлар: "Саҳобалар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиб намоз ўқишаётганда, рукуъдан бошларини кўтаргач, то Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешоналарини ерга кўймагунларича (сажда учун) бирорта саҳобанинг энгашгани кўрилмас эди. Қачон Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пешоналари ерга теккач, шундан сўнг саҳобалар саждага эгилар эдилар". (Имом Муслим ривояти).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёшлари кексайиб, оҳиста ҳаракатланадиган бўлиб қолгач, орқаларида намоз ўқиётганларни огоҳлантириб: *"Ҳой одамлар, мен кексайиб қолдим, шунинг учун рукуъ ва саждада мендан олдинга ўтиб кетманглар"*, дер эдилар. (Байхақий ривояти).

Имомликка ўтган киши такбирларда суннатга амал қилган ҳолда намоз ўқиши лозимдир. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: *"Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқимоқчи бўлсалар, тик турганларида такбир айтардилар, сўнг рукуъ қилаётганларида такбир айтардилар, сўнг эгилаётганларида такбир айтардилар, сўнг бошларини кўтараётганларида*

*такбир айтардилар, сўнг сажда қилаётганларида такбир айтардилар, сўнг бошларини кўтараётганларида такбир айтардилар, сўнг мана шуни намознинг барчасида, то намоз тугагунга қадар қилар эдилар ва иккинчи ракаатдан тураётганларида такбир айтар-дилар".* (Имом Бухорий ривояти).

Баъзи имомлар илми озлиги ва суннатни яхши билмаслигидан, турган жойида "Оллоҳу акбар" деб сўнг рукуъга энгашади, тик туриб "Оллоҳу акбар" деб кейин саждага кетади, бу эса суннатга хилофдир.

Агар имом ўзининг такбирини ҳаракати билан мувофиқ ва яқин қилса, иқтидо қилганлар ҳам юқорида зикр қилинганидек саҳобаларнинг намоз ўқиш кайфиятини ўзларига лозим тутсалар, намозларидаги жамоат ишлари дуруст бўлади.

## **23. Саримсоқ, пиёз ёки ҳидли нарсаларни истеъмол қилиб масжидга келиш**

Жобир разияллоҳу анҳу айтадилар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *"Ким пиёз ёки саримсоқ еса биздан четлансин", ёки "масжидимиздан четлансин, уйида ўтирсин",* дедилар. Бу ҳадисни имом Бухорий ривоят қилганлар.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда эса: *"Ким саримсоқ, пиёз ва кўк пиёз (гандана) еган бўлса*

*масжидимизга яқинлашмасин, чунки фаришталар одамлар озорланадиган нарсадан озорланади".*

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу жума куни одамларга хутба қила туриб шундай дедилар: "Эй одамлар! Сизлар ёқимсиз бўлган пиёз ва саримсоқни ейсизлар. Мен Расулуллоҳ соллал-лоҳу алайҳи ва салламни бирон кишидан унинг ҳиди келса, масжиддан ташқарига Бақийъ томонга чиқариб юборилишига буюрганларини кўрганман. Агар ким уларни емоқчи бўлса пишириб есин". (Имом Муслим ривояти).

Ишидан ёки корхонасидан тўғри намозга келадиган ва қўлтиқларидан ва пайпоқларидан келиб турган бадбуй ҳид билан масжидга кирувчилар ҳам шулар жумласидандир.

Аммо бундан-да жирканчроғи, ҳаром бўлган сигаретни чекиб, сўнг масжидга кириб, унинг сассиғи билан Оллоҳнинг одам ва фаришта-ларидан иборат бандаларига озор берувчи-лардир.

Бу ҳолатлар мана бу ояти каримадаги буйруққа зиддир: Оллоҳ таоло айтди: **"Эй одам болалари ҳар бир масжид олдида** (яъни намоз пайтида авратларингизни тўсиб турадиган, тоза, покиза кийимларни кийиб) **зийнатланингиз"**. (Аъроф: 31).

## 24. Зино (фоҳишалик)

Ислом шариатининг мақсадларидан бири номус ва наслни сақлаш, ҳимоялашдир. Шунинг учун шариатимиз зинони ҳаром қилди. Оллоҳ таоло деди: **"Зинога яқинлашманглар, албатта бу фаҳш ва ёмон йўлдир"**. (Исро:32).

Балки шариатимиз зинога олиб борадиган барча сабаб ва йўллارни тўсиб ташлади. Масалан, номаҳрамларга қараш, улар билан (яъни номаҳрамлар билан) бир жойда холи қолиш, аёлларнинг ҳижобсиз юришлари ва шу кабиларни ҳаром қилди.

Агар турмуш қурган киши зино қилса, унинг жазоси, бу қилган ишининг аламини тотиб вафот этгунича тошбўрон қилишдир. Жазонинг шу қадар қаттиқ бўлиши зинокор жасадининг ҳар бир аъзоси ҳаромда қандай роҳатланган бўлса, худди шундай азобланиши, оғриқ аламини тортиши учундир.

Агар зинокор аввалда никоҳланмаган, турмуш қурмаган бўлса, уни юз дарра уриш билан жазоланади. Жазони одамлар олдида амалга оширилади, чунки мусулмонлардан бир гуруҳ кишилар бунга гувоҳ бўлишлари керак. Шунда зинокор шарманда бўлиб, азоби ва хорлиги янада зиёдароқ бўлади, бундан ташқари уни ўз шаҳридан бир йилга сургун қилинади.

Зинокорларнинг барзахдаги азоби: улар яланғоч бўлган ҳолатда тепаси тор, таги эса кенг бўлган ҳамда тагидан олов ёқиладиган тандирда бўладилар. Ҳар қачон олов ёндирилса, кичқириб юқорига кўтариладилар, ҳатто чиқиб кетишларига оз қолади, олов сўндирилса, яна пастга тушадилар ва ҳоказо шу ҳолда то қиёматгача қоладилар.

Янада қабихроғи агар зинокор тавба қилмай зиносида давом этаётган, қариб қуйилмаган, бир оёғи қабрда бўлган кекса киши бўлса, хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, бундайлар ҳақида пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: *"Уч тоифа борки, қиёмат куни Оллоҳ уларга гапирмайди, уларни покламайди, уларга қарамайди ва уларга аламли азоб бордир: зинокор қария, ёлгончи подшоҳ ва мутақаббир камбағал"*. (Имом Муслим ривояти).

Зино билан топилаган пул энг ёмон бойликдир. Кечани ярмида осмон эшиклари очилиб дуо қилувчининг дуоси қабул бўладиган вақт бор, лекин зинокорнинг дуоси мана шу вақтда ҳам ижобатдан маҳрумдир. Баъзилар камбағаллигини, муҳтожлигини сабаб қилиб, зинокорлигига узр баён қилади. Ҳеч қандай муҳтожлик ёки камбағаллик Оллоҳ таоло ҳаром қилган ишларни қилишга шаръий узр бўла олмайди. Қадимдан гап бор: "Ҳур аёл оч қолади,



лекин бола эмизиб ҳақ олмайди. Энди қандай зино қилиб пул олсин".

Бизнинг асримизда фоҳишалик дарвозалари кенг очилди, шайтоннинг васвасаси ва ҳийла қилиши осонлашди, унга гуноҳкор осий ва бузуклар эргашиб кетишди. Аёлларнинг очиқ-сочиқ, ёпинчиқларини ёпмасдан юришлари кенг тарқалди, кўпчилик, ҳатто баъзи намозхонлар ҳам номаҳрам, бегона аёлларга ёки аёллар эркакларга қарашдек балога гирифтор бўлди. Эркак аёл аралаш-қуралаш юриши, бузук-уят расмли газета ва журналлар, ҳамда сериаллар кўпайиб кетди. Нопок, фоҳишалар кўп бўлган шаҳарларга тез-тез сафарлар уюштириладиган бўлди, кўшмачиларнинг "тижорат"лари ривож топди, орномусларнинг поймол бўлиши, валадизино, яъни беникоҳ туғилган болалар, аборт қилиш ёки туғилган гўдакларни ҳар хил йўллар билан нобуд қилиш ҳар қадамда учрайдиган бўлиб қолди.

Оллоҳ таолодан дуо қилиб сўраймиз: "Эй Раббимиз! Бизларни Ўз раҳматинг ва лутфинг ила фоҳишалик ва зинокорликдан сақлагин. Қалбларимизни ва аъзоларимизни поклагин, ҳамда биз билан ҳаромнинг ўртасида ўтиб бўлмайдиган тўсиқ барпо қилгин".

## 25. Баччабозлик

Лут алайҳиссалом қавмининг жинойти эркаклар эркаклар билан жинсий қўшилиши бўлган эди. Оллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган: **"Лут ўз қавмига: "Албатта сизлар шундай бузуқлик қилмоқдасизларки, сизлардан илгари бутун оламлардан бирон кимса бундай қилмаган эди. Ҳақиқатда ҳам сизлар(хотинларингизни қўйиб) эркакларга борурмисизлар, йўлтўсарлик-қароқчилик қилурмисизлар?"**, деганини эсланг!". (Анкабут: 28-29).

Бу жинойтнинг ниҳоят даражада қабих, жирканч ва хатарли бўлганидан Оллоҳ таоло бундай жинойтчи қавми, бошқа бирон бир қавмда жамламаган тўрт азоб билан азоблади: уларнинг кўзларини кўр қилди, устларига сополдан бўлган тошларни ёғдирди, уларга даҳшатли қаттиқ бир қичқириқни юборди ва ерларини остин-устун қилиб юборди.

Шариати Исломия ҳукмига кўра бундай бузуқлик қилган эркаклар агар розилик ва ихтиёр билан қилишган бўлса, қилувчи ҳам қилинувчи ҳам қилич билан уриб қатл қилинади.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилиб бундай деганлар: *"Қимни Лут қавмининг*

*амалини қилаётганида топсангиз, фоилини ва мафъулини қатл қилингиз".* (Имом Аҳмад ривояти).

Ўтмишда учрамаган, аммо бизнинг замонимизда пайдо бўлаётган спид ва шу каби турли касалликларнинг сабаби фоҳишалик, бузуқлик ва носоғлом ҳаёт кечирish туфайли эканлиги, бундай иш қилувчиларга белгиланган азобнинг қаттиқлиги, Оллоҳ таолонинг ҳикматига далолат қилади.

## **26. Аёл киши шаръий узрсиз эрининг тўшагидан бўйин товлаши**

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *"Эр аёлини тўшакка чақирганда аёл бош тортса ва эр ундан газабланган ҳолда ухлаб қолса, фаришталар то тонг отгунга қадар у аёлни лаънатлайдилар".* (Имом Бухорий ривояти).

Кўп аёллар эрлари билан ораларида гап ўтиб қолса, ўзларича эрларига жазо кўллаб, уларни тўшакдаги ҳақларидан тўсадилар. Бундан эса катта бузғунчиликлар келиб чиқади: эрнинг харомга юриб кетиши шу жумладандир. Ундан ташқари иш аксига айланиб, эр хотини устига хотин олишни ўйлаб қолиши ҳам мумкин. Шунинг учун эр ҳар қачон аёлини тўшакка чорласа, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзларига амал қилган

холда, аёл эрининг талабини қондиришга шошилсин:  
*"Киши аёлини тўшакка чақирса, аёл эгарнинг устида  
бўлса ҳам ижобат қилсин"*. (Баззор ривояти).

Эр киши ҳам ўз навбатида аёлини риоя қилиши лозим. Унинг касал, ҳомиладор ва ғам-қайғули дамларига қараб иш тутса, келишмовчилик барҳам топиб, аҳл-иноқлик бардавом бўлади.

## **27. Аёл киши бирон шаръий сабабсиз эридан талоқ талаб қилиши**

Баъзи аёллар оилада учраб турадиган арзимас келишмовчиликлар чоғида ёки сўраган мол-дунёни эри бермаса, ё айтган нарсасини олиб бермаса, дарров эридан талоғини беришни сўраб қоладилар. Бундан ёмонроғи гоҳида бунга уларни ўзларининг яқинлари, оналари, ё опа-сингиллари, ё дугоналари ундайдилар. Баъзилари эса эрининг шаъни, ғурурига тегадиган гаплар билан, масалан, "Эркак бўлсанг талоқ қил", деб ҳадларидан ошадилар.

Маълумки, талоқ сабаб оилаларни пароканда бўлиши, болаларни бебош бўлиб қолиши каби бузуқликлар келиб чиқади. Аксарлари кейин бунга афсус-надоматлар қиладилар, бироқ кеч бўлган бўлади. Бу ва бошқа сабабларга кўра шариятимиз буни ҳаром қилганлигининг ҳикмати яққол кўринади.

Савбон разияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилиб айтадилар: *"Қайси бир аёл бирон сабабсиз эридан талоқ сўраса, жаннатнинг ҳиди унга ҳаромдир"*. (Имом Аҳмад ривояти). Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда эса: *"Эрига маблағ бериб ўзини талоқ қилдирувчи ва эридан ўзини тортувчи аёллар, улар мунофиқлардир"*, дейилган. (Табароний ривояти).

Аммо шаръий сабаб бўлса жоиз, шунда юқорида ўтган ваъидлар таҳтига дохил бўлмайди. Масалан, эри маст қилувчи ичимлик ичишга ёки наркотик моддалар истеъмол қилишга мубтало бўлган бўлса ёки ҳаром ишларга мажбурласа ёки уни азоблаб зулм қилса ёки уни шаръий ҳуқуқларидан тўсса ва насиҳат фойда бермаса ҳамда ислоҳ йўллари топа олмаса, дини ва жонини сақлаб қолиш учун эридан талоқ талаб қилишда аёлга гуноҳ йўқдир.

## **28. Зиҳор**

Ҳозирги кунда ҳам бу уммат ичида тарқаган аввалги жоҳилият сўзларидан эр хотинини "Зиҳор"<sup>1</sup> қилиб, "Сен менга онамнинг сирти кабисан" ёки "Сен

---

<sup>1</sup> «Зиҳор» ибораси арабларнинг истилоҳида киши ўз хотинига «Онамнинг бадани каби сенинг баданинг ҳам менга ҳаром», дейишини англатади.

менга опамнинг ҳаромлиги каби ҳаромсан" ва шунга ўхшаш, шариат қабих деб ҳисоблаган ва аёлга зулм бўлган тубан сўзлар бор. Оллоҳ буни Ўзининг ушбу сўзида сифатлаб деди: **"Ораларингиздаги ўз хотинларини зиҳор қиладиган кимсаларнинг (зиҳор қилинган хотинлари) уларнинг оналари эмасдирлар. Фақат уларни туққан (аёл)- ларгина уларнинг оналаридирлар. Шак-шубҳасиз улар сўзнинг номақбул ва ёлғонини айтурлар. (Лекин) Оллоҳ шубҳасиз афв этувчи ва мағфират қилувчидир"**. (Мужодала: 2).

Зиҳор қилган шахс учун, шариат, хато қилиб одам ўлдириб кўйган ва рамазон ойида кундузи хотинига кўшилган одамнинг каффоратига ўхшаш қаттиқ каффорат белгилади. Хотинини зиҳор қилиб, кейин унга қайтмоқчи бўлган кимса, бу қилмиши учун маълум миқдорда каффорат — тўлов тўламасдан аввал, унга кўшилиши мумкин бўлмайди. Бу ҳақда Оллоҳ таоло бундай деган: **"Ўз хотинларини зиҳор қилиб, сўнгра айтган сўзларидан қайтадиган кимсалар (зиммасида эр-хотин) кўшилиш- ларидан илгари бир қулни озод қилиш бордир. Бу сизларга мавъиза-ибрат бўлғай. Оллоҳ қилаётган амалларингиздан хабар- дордир. Энди ким (озод қилиш учун қул) топа олмаса (унинг зиммасида эр-**

хотин) қўшилиш- ларидан илгари пайдарпай икки ой рўза тутиш бордир. Энди ким (рўза тутишга) кодир бўлмаса (унинг зиммасида) олтмишта бечора-мискинга таом бериш бордир. Бу (хукмлар) сизлар Оллоҳ ва Унинг пайғамбарига иймон келтиришларингиз учун (нозил қилинди). Булар Оллоҳнинг (белгилаб қўйган) ҳадлари — қонунларидир. Ва (бу қонунларни инкор этгувчи) кофирлар учун аламли азоб бордир". (Мужодала: 3-4).

## **29. Ҳайз пайтида аёлига қўшилиш**

Оллоҳ таолонинг сўзи: "Сиздан ҳайз ҳақида сўрайдилар: Айтинг: "У кўнгилсиз нопок нарсадир. Бу ҳайз пайтида хотинларингиздан четланингиз ва то покланмагунларича уларга яқинлашмангиз". (Бақара:222).

Аёл киши поклангандан кейин ҳам то ғусл қилмагунга қадар эр унга яқинлашмайди: "Пок бўлганларидан кейин уларга Оллоҳ буюрган тарафдан келингиз...". (Бақара:222).

Бу гуноҳнинг нақадар нафратли эканлигига ушбу ҳадис ҳам далолат қилади: *"Ким аёлига ҳайз пайтида ёки унинг орқа пешобига яқинлик қилса ҳамда фолбинга борса, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва*

*салламга нозил қилинган нарсага (динга) кофир бўлибди". (Термизий ривояти).*

Ким қасддан эмас, балки билмаган ҳолда янглишиб шундай қилиб қўйган бўлса, истиффор айтиб тавба қилиши ва ҳамда хушёрроқ бўлиши лозим. Аммо қасддан, билиб туриб нафсига кул бўлган ҳолда қилган бўлса, каффорат ҳақида келган ҳадисни саҳиҳ деган аҳли илмларнинг сўзларига кўра унга каффорат вожиб бўлади. Каффоратнинг миқдори бир динор ёки ярим динордир. Баъзи олимлар: бу икки миқдор ўртасида ихтиёрлидир, дейишган. Агар ҳайзнинг аввалида – қон кўплигида – қўшилса бир динор ва агар ҳайзнинг охирида – қон камайганида – ёки ғусл қилишдан аввал қўшилса ярим динор каффорат беради, деган уламолар ҳам бор. Бир динор муомаладаги ўлчовга кўра 4,25 грамм тилла бўлади. Шунинг ўзини ёки қоғоз пулга тенг қийматини садақа қилади.

### **30. Аёлининг орқа чиқарув йўлига яқинлик қилиш**

Баъзи иймони заиф бузук табиатли кишилар, аёлининг орқа чиқарув йўлига яқинлик қилишдан такво қилмайдилар. Ҳолбуки бу гуноҳи кабиралардан бўлиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай қилувчини лаънатлаганлар. Абу Ҳурайра



разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда: *"Ким аёлининг орқа чиқарув йўлига яқинлик қилса малъундир"*, деганлар. (Имом Аҳмад ривояти).

Бошқа бир ҳадисда эса бундай деганлар: *"Ким аёлига ҳайз пайтида ёки унинг орқа чиқарув йўлига яқинлик қилса ҳамда фолбинга борса, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилинган нарсага (Қуръонга) кофир бўлибди"*. (Термизий ривояти).

Соғлом фитрат соҳибалари бўлган аёллар бундан бош тортадилар, лекин баъзи эрлар, аёли итоат қилмаса талоқ билан кўрқитиб уни мажбурлайдилар. Айримлари эса, Оллоҳ таолонинг: **"Хотинларингиз зироатгоҳингиз- дир. Бас, зироатгоҳингизга хоҳлаган ҳолатин- гизда яқинлашаверинг"**, деган сўзига кўра бу иш ҳалолдир деб, аҳли илмлардан сўрашга ҳаё қиладиган содда аёлини алдайдилар.

Маълумки, суннат қуръонни тафсир қилади. Ҳадисларда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам, эр аёлининг модомики бола туғиладиган жойига бўларкан, олдиданми, орқаданми, хоҳлаган тарафидан яқинлик қилиши жоиз эканини хабар берганлар. Орқа чиқарув йўли эса бола туғиладиган ўрин эмаслиги ҳаммага маълум. Ҳаром ва нопок ишлар, жоҳилий ҳатти-ҳаракатлар, ифлос шахвоний фильмлардан таъсирланиб ва бу нарсалардан тавба қилмасдан пок

оилавий ҳаётга кириб келиш ушбу жиноят сабабларидан биридир.

Гарчи икки тараф рози бўлса ҳам бу иш ҳаромдир. Иккала тарафнинг ўзаро рози бўлиши ҳам бундай ҳаром ишларни ҳалолга айлантира олмайди.

### **31. Хотинлар ўртасида адолат қилмаслик**

Оллоҳ таоло Ўзининг Азиз Китобида хотинлар ўртасида адолат қилишни бизларга амр қилиб шундай деди: **"Ҳар қанча уринсангиз ҳам хотинларингиз ўртасида адолат қилишга (яъни, уларнинг барчаларига баробар меҳр кўрсатишга) қодир бўлмайсиз- лар. Бас, бутунлай (суйган хотинларингиз томонга) оғиб кетиб (кўнгилсиз бўлиб қолган) хотинингизни муаллақа каби ташлаб қуймангиз!"**. (Изоҳ: муаллақа аёл - эри бирон-бир сабаб билан бедарак кетган аёлдир. У эрим бор деса - эри йўқ, беваман дейин деса - эри талоқ бермай кетган). **Агар (ўзларингизни) ўнглаб Оллоҳдан кўрқсангизлар, албатта Оллоҳ Мағфиратли, Меҳрибон бўлган Зотдир"**. (Нисо:129).

Адолат дегани: ётишда яъни тунашда, ейиш-ичиш ва кийимда ҳар бирининг ҳаққини адо этишдир. Бунга қалбнинг муҳаббати кирмайди, чунки банда қалбига эгалик қила олмайди. Айрим кўпхотин эрлар,

аёлларидан бирига оғиб кетиб, шуникида кўп тунаб, шунга кўп инфоқ қилиб, бошқасини ташлаб қўяди. Шубҳасиз бу харомдир. Аёллари ўртасида адолат қилмайди- ган эрларнинг қиёматдаги ҳоли ҳақида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар бериб бундай деганлар: *"Кимнинг икки хотини бўлиб, биттаси томонга оғиб кетса, қиёмат куни ярми шол ҳолда келур"*. (Абу Довуд ривояти).

### **32. Номаҳрам аёл билан хилватда қолиш**

Инсонларни фитнага солишга ва уларни харом ишларга қўл уришларига шайтон алайҳи лаъна жуда харисдир. Шунинг учун бизни огоҳлантириб Оллоҳ таоло Қуръонда бундай деди: **"Эй мўминлар, шайтоннинг изидан эргашманглар! Ким шайтоннинг изидан эргашса бас, албатта (шайтон) бузуқлик ва ёмонликка буюрур"**. (Нур: 21).

Шайтон Одам болаларининг қон томирлари ичида юради. Шайтоннинг одамларни фаҳш–бузуқликка тушириб қўйиш йўлларида бири, номаҳрам аёл билан хилватда қолишдир. Шунинг учун ҳам шарият бу йўлни тўсди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *"Киши номаҳрам аёл билан бир жойда холи қолса, учинчилари шайтон бўлур"*. (Термизий ривояти).

Яна бир хадисда деганлар: *"Бугундан кейин бирон-бир киши (бирор сабаб билан эри уйида бўлмаган) аёлнинг олдига ёлғиз ўзи кирмасин, магар ўзи билан бир ё икки киши билан кирсин"*. (Имом Муслим ривояти).

Киши ўзи маҳрам бўлмаган аёл билан, масалан, ака-укасининг хотини, хизматчи аёли, доктор бемор аёл билан уйда, хонада, машинада бўлсин холи қолиши жоиз эмас. Кўпчилик ўзига ё бошқаларга ишонганидан бунга енгил қарайдилар, натижада фаҳшга ё унга олиб борувчи ҳолатларга тушиб, насабларнинг аралашиб кетиши ва ҳаромдан туғилган болалар кўпайиши ва бундан бошқа нохуш ҳолат, кўнгилсиз воқеаларни содир бўлишига олиб боради.

### **33. Номаҳрам аёллар билан қўл бериб кўришиш**

Аслимизни, динимизни унутиб, ўзга миллатлар маданиятига эргашиб, уларга тақлид қилиш оқибатида, динимизга ёд бўлган, урф-одатларимиз инкор қиладиган, номаъқул ишлар оддий ҳол бўлиб қолди. Шулар жумласидан номаҳрам аёллар билан қўл бериб кўришишдир. Амма, амаки, хола ва тоғаларнинг қизлари, аканинг, тоғанинг ва амакининг хотинлари билан қўл бериб кўришиш бизнинг жамиятимизда бир ҳўплам сув ичишдан ҳам енгилроқ

бўлиб қолди. Аслида бу ишнинг нақадар хатарли эканлигига очиқ кўз билан назар солишганда, бундай қилишмас эди. Бу ҳақда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ ҳадис ворид бўлган: *"Сизлардан бирортангизнинг бошига бигиз билан урилиши, ўзига ҳалол бўлмаган аёлга қўл теккизишидан кўра яхшироқдир"*. (Табароний ривояти). Шубҳасиз бу кўл зиносидир. Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *"Икки кўз зино қилади, икки қўл зино қилади, икки оёқ зино қилади ва фарж (жинсий аъзо) зино қилади"*, деб умматларини огоҳлантирганлар. (Имом Аҳмад ривояти).

Бу жамиятда Оллоҳнинг шариати ва ҳукми ўрнига баъзи ижтимоий урфлар ва одамларнинг ботил одат ва анъаналари устун бўлиши оқибатларидандир. Ҳатто одамларга шариат ҳукмларидан гапириб, далиллар келтириб, уларга ҳужжат барпо қилсангиз, сизни ғулув кетиш, ўта мураккаблаштириш, қариндошлар- дан алоқани узиш ва яхши мақсадларга шубҳа билан қарашда айблайдилар.

Биз аёллар билан ёмон ниятда кўришмай- миз, кўнглимиз тоза, деган сўзларни эшитиб қоламиз, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қалбларидан ҳам тозароқ қалб бор-ми? Энг покиза қалб соҳиби бўлсалар ҳам ул зот: *"Мен аёллар билан*

қўл беришиб кўришмайман", (Имом Аҳмад ривояти), "Мен аёлларнинг қўлини ушламайман", деганлар. (Табароний ривояти).

Оиша разияллоҳу анҳо Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида бундай деганлар: *"Огоҳ бўлинглар! Оллоҳга қасамки, Расулуллоҳнинг қўллари, бирон бир (бегона) аёлнинг қўлига ҳаргиз тегмаган, аёллар билан байъат қилсалар сўз билан байъат қилар эдилар"*. (Имом Муслим ривояти).

Ака-укалари ёки бошқа номаҳрам эркаклар билан ўз аёлини қўл бериб кўришишга мажбурлаётган эрлар Оллоҳдан кўрксинлар!!!

Шуни билиш керакки, очиқ қўл билан эмас бирон тўсиқ ёки қўлқоп билан кўришиш ҳам ҳеч нарсани ўзгартрмайди, яъни у ҳам ҳаромдир.

### **34. Аёлларнинг атир-упаларни сепиб кўчага чиқишлари**

Бу ҳам бизнинг асримизга келиб ниҳоят даражада кенг тарқалган иллатлардан бири бўлиб қолди ва холбуки пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундан қаттиқ қайтарганлар: *"Қайси бир аёл атир-упаларни сепиб, сўнг эркаклар олдидан ўтса ва улар унинг ҳидини димоғларида топсалар, ана ўша аёл зинокордир"*. (Имом Аҳмад ривояти).

Кўпчилик аёллар бепарволикдан ёки билмасликларидан бозорга, дўконларга ё ишларига кетаётганларида хушбўй атирларни сепиб чиқадилар. Аммо шариатимиз, уйдан чиқишни ирода қилган аёл, агар хушбўйлик истеъмол қилган (суртган, сепган) бўлса, токи жанобатдан ғусл қилгани каби ювиниб олмагунча кўчага ва ҳатто масжидга ҳам чиқишни ман қилган. Бу ҳақда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: *"Қайси бир аёл хушбўйланса, сўнг масжидга чиқса ва бошқалар унинг ҳидини сезсалар, токи жанобатдан ғусл қилгани каби (ғусл вожиб бўлганда қилинадиган) ғусл қилмагунча, унинг намози қабул қилинмайди"*. (Имом Аҳмад ривояти).

Тўйларга, бозору-дўконларга, автобус, трамвайларга, жамоатчилик жойларга ва ҳатто рамазон кечалари масжидларга, умуман уйларидан ташқарига қимматбаҳо атирларни сепиб чиқаётган аёл-қизларнинг бу ишларидан шикоятимиз Оллоҳгадир.

Ислом динидаги аёлларнинг хушбўйлик-лари, ранги кўриниб ҳиди чиқмайдиганидир.

Оллоҳдан бизларга ғазаб қилмаслигини ва нодонларимиз қилаётган ишлар сабаб, солиҳларимизни азобламаслигини ва барчамиз-ни тўғри йўлга йўллашини сўраб қоламиз.

## 35. Аёлларнинг маҳрамсиз сафар қилишлари

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *"Оллоҳга ва охират кунига иймон келтирган аёл учун, маҳрамсиз бир кунлик масофага сафар қилиши ҳалол эмасдир"*. (Имом Муслим ривояти).

Сафарга маҳрамсиз чиққан аёлнинг фосиқлар эътиборини тортиши, кейин унинг ожизлигидан фойдаланиб унга тажовуз қилишлари, бунда гоҳо мақсадларига эришишлари ёки ҳеч бўлмаганда унинг нафсониятига тегишлари ҳеч гап эмас. Ҳатто тайёрада учаётган аёлни маҳрами кузатиб қўйган ва кутиб олган тақдирда ҳам юқоридаги хатардан қутилиб бўлмайди. Ахир унинг ёнидаги ўриндикда ким ўтиришини билмаймиз-ку? Борди-ю носозлик содир бўлиб, учоқ (самолёт) бошқа тайёрагоҳга қўниб қолса, унда нима бўлади? Кўплаб қиссаларнинг дебочаси мана шундай воқеалардан бошланган.

Маҳрам — мусулмон, балоғатга етган, оқил (ақли расо) ва эркак бўлиши шартдир. Маҳрамлар ҳақида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: *"Оллоҳга ва охират кунига иймон келтирган аёл учун, уч ва ундан кўп кунлик сафарга, отаси ёки ўғли, эри ёки ака-укаси ёки бирорта*



*махрамисиз сафар қилиши ҳалол эмасдир*". (Имом Муслим ривояти).

### **36. Бегона аёлларга қараш**

Қуръони каримда: "(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **мўминларга айтинг кўзларини** (номаҳрам аёлларга тикишдан) **тўссинлар ва авратларини** (ҳаромдан) **сақласинлар! Мана шу улар учун энг покиза** (йўлдир). **Албатта Оллоҳ улар қилаётган хунарлардан хабардордир**". (Нур: 30).

Ҳадиси шарифда: *"Кўзнинг зиноси қарашдир"*, дейилган. (Яъни Оллоҳ ҳаром қилган нарсаларга). (Имом Бухорий ривояти).

Аммо бундан, шаръий этиёж юзасидан қараш: совчи юборган кишининг ва табибнинг қарашини мустаснодир.

Аёл кишининг ҳам бегона эркакларга боқиши ҳаромдир. Қуръони каримда: "(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **мўминаларга айтинг кўзларини** (номаҳрам эркакларга тикишдан) **тўссинлар ва авратларини** (ҳаромдан) **сақласинлар!**", дейилган. (Нур: 31).

Шунингдек, ҳали соқоли чиқмаган ва чиройли болаларга шаҳват билан қараш ҳам ҳаромдир. Яна эркак эркакнинг авратига, аёл аёлнинг авратига

қараши ҳам ҳаромдир. Қараш ҳаром бўлган авратни ушлаш, гарчи бу мато ортидан бўлса-да ҳаромдир. Баъзиларнинг: "Ҳақиқий эмас-ку" деган "ҳужжат" билан яланғоч суратлар бўлган журналлар ва фильмларни томоша қилишлари эса, шайтоннинг уларни калака қилиши бўлиб, бундай ишлар бузуқлик ва шаҳватни жунбишга келтириши очиқ-ойдин маълумдир.

### **37. Даюслик**

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилганлар: *"Уч тоифага Оллоҳ жаннат- ни ҳаром қилган улар: маст қилувчи ичимликни муккасидан кетиб ичувчи (алкаш), ота-онасига оқ бўлган фарзанд ва ўз аҳли-оиласи (хотин-қизлари)даги бузуқликка бепарво бўладиган даюс"*. (Имом Аҳмад ривояти).

Даюслик кўринишларидан мисоллар, хотин ва қизларининг бегона эркаклар билан алоқалар ўрнатиб бирга гаплашиб, учрашиб юришларига кўз юмиш, аҳлларидан бирининг бегона эркак билан хилватда ёлғиз қолдириш, ҳайдовчи билан ёлғиз ўзини машинага ўтқазиб юбориш, шаръий либоссиз, ўтган-кетган қарайдиган қилиб кўчага чиқишига рози

бўлиш ҳамда фиску-фасодни, бузукликни ташвиқ қилувчи фильм ва журналларни уйга киргазиш.

### **38. Ёлғон ишлатиб отаси бўлмаган одамга болани нисбатлаш ва ўз фарзандидан тониш**

Шариат бўйича мусулмон одам ўз отасидан бошқани ҳақиқий отам дейиши ёки аслида ундан бўлмаган қавм (элат)га ўзини нисбатлаб олиши мумкин эмас. Баъзи кишилар иқтисодий мақсадларни кўзлаб, расмий ҳужжатларда ўзлари учун қалбаки насабни қайд эттириб оладилар. Гоҳида ёшлигида ташлаб кетгани учун ўз отасига жаҳл қилиб ҳам шундай ишга қўл урадилар, ҳолбуки буларнинг бари ҳаромдир. Бу иш маҳрамлик, никоҳ, мерос олиш каби ўринларда ёмон оқибатларга олиб келади.

Саҳиҳ ҳадисларда Саъд ва Абу Бакра разияллоху анҳумолардан пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг ушбу сўзлари ривоят қилинган: *"Қимки ўзи билиб туриб отасидан бошқа одамга фарзандликни даъво қилса, жаннат унга ҳаромдир"*. (Имом Бухорий ривояти).

Насл-насабни аралаштириб юбориш ёки уни қалбакилаштиришнинг ҳар қандай кўриниши шариатда ҳаромдир.

Баъзи эрлар хотини билан жанжаллашиб қолса, хотинига ўчакишиб, уни бузуқликда айблайди ва ўз тўшагида вужудга келган фарзандидан ҳеч қандай далил исботсиз воз кечади. Шундай хотинлар борки, эрларига хиёнат қилиб, бегонадан бола орттиради-да уни эрига тиркаб юборади. Ҳолбуки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда бу каби ишдан қаттиқ қайтарганлар: *"Қайси аёл бир қавмга улардан бўлмаган болани қўшиб юборса, Оллоҳдан ҳеч бир раҳматга ва афвга эга эмас, Оллоҳ ҳеч қачон уни жаннатга киргизмайди. Қайси бир эркак ўз фарзандидан билиб туриб тонса, Оллоҳ ундан юз ўгиради ва аввалгилару охиргиларнинг олдидан шарманда қилади"*. (Абу Довуд ривояти).

### **39. Судхўрлик**

Оллоҳ таоло ўз китобида судхўрлардан бошқа ҳеч кимга уруш эълон қилгани ҳақида хабар бермаган. Оллоҳ таолонинг сўзи: **"Эй мўминлар, Оллоҳдан кўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангиз судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз! Энди агар (бу буйруққа итоат) қилмасангиз у ҳолда Оллоҳ ва пайғамбари томонидан бўладиган урушга ишонаверинг!"**. (Бақара:278-279).

Бу жиноят Оллоҳ азза ва жалланинг ҳузурида нақадар оғир эканлигига мазкур оят кифоядир.

Давлатлар ва халқлар аҳволига эътибор берган киши судхўрлик касофатидан инқирозлар, қарзга ботишлар, иқтисодиётнинг издан чиқиши келиб чиқаётганига шоҳид бўлади. Бунинг касофатидан ишсизлик ёйилмоқда, ширкатлар ва ташкилотлар касодга учрамоқда. Тинимсиз оғир меҳнатлардан топилаётган пуллар ўша чек-чегараси йўқ фоизларни тўлашга кетмоқда. Жамиятнинг улкан бойликлари бир ҳовуч кишилар қўлига ўтиб қолмоқда. Мана шулар Оллоҳ ваъда қилган урушнинг баъзи кўринишлари бўлса, ажаб эмас.

Судхўрликда иштирок этган икки томон, воситачилик қилганлар, ёрдам берганларнинг ҳаммаси Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонларидан лаънатланганлар. Жобир разияллоҳу анху ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *"Рибо еювчини ҳам, едирувчини ҳам, уни қайд қилувчини ва унга гувоҳ бўлганларнинг барини лаънатлади- лар"* ва *"улар (гуноҳда) тенгдир"*, дедилар.

Шунга биноан судхўрликни қайд этишда, олишда, беришда, сақлашда, умуман қандай тарзда бўлса ҳам кўмаклашиш ҳаромдир.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу оғир гуноҳнинг нечоғли қабиҳлигини баён қилиб шундай деганлар: *"Рибо етмиш уч даражадир, шунинг энг енгили киши ўз онаси билан зино қилгани кабидир, рибонинг энг каттаси мўминнинг обрўсидир"*. (Яъни унга тил теккизишдир). (Ҳоким ривояти).

Абдуллоҳ ибн Ҳанзала ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *"Кишининг судхўрликдан билиб туриб бир дирҳам емоғи, ўттиз олти зинодан (гуноҳда) оғирроқдир"* деганлар. (Имом Аҳмад ривояти).

Судхўрлик ҳаммага баробар ҳаром қилинган. Бунда бой билан камбағал ўртаси ажратилмаган, балки унинг ҳукми барча ҳолат ва барча шахсларга тенгдир.

Қанча-қанча бой-бадавлат кишилар, катта савдогарлар, судхўрлик сабабидан касодга учраганларига воқъелик гувоҳдир. Касодга учрамаган тақдирда, мол-дунё беҳисоб бўлсада, баракаси бўлмайди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *"Рибода (мол) кўпайса ҳам оқибати камлик бўлади"*, деганлар.

Шунингдек рибо фоизнинг кўп ёки оз бўлиши билан белгиланмайди. Унинг ози ҳам кўпи ҳам

харомдир. Судхўр қиёмат куни жин урган кишидек кабридан шайтонлаб туради.

Судхўрлик оғир жиноят бўлса-да, лекин ундан тавба қилиш мумкинлигини ва бунинг қандай бўлишини Оллоҳ таоло кўрсатиб қўйган: **"Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга зулм ҳам қилмассиз, зулм ҳам кўрмайсиз"**. (Бақара:279). Бу айни адолатдир.

Мўминнинг қалби бу оғир гуноҳдан нафратланиши ва унинг қабихлигини ҳис этиши зарур. Ўғирланиб кетиши ёки тортиб олинишидан кўркиб, мажбуран рибо банкларига ўз бойликларини қўйяётганлар бўлса, улар музтарнинг ҳолатини ҳис қилсинлар ва гўёки ўлимтикни еяётганларини ёки ундан ҳам баттарроқ ҳолатни тасаввур қилсинлар. Шунингдек, Оллоҳга истиғфор айтишлари билан бирга бойликларини сақлаш учун бундан бошқа ҳалол ва баракали йўллارни изласинлар. Банклардан фоизларини талаб қилиш ўрнига қўшиб қўйилган фоизлардан қутулсинлар. Фоиздан келган пулларни садақа ниятида эмас, балки қутулиш, халос бўлиш ниятида манфаати оммага тегадиган жойларга сарфлаб юборсинлар. Чунки Оллоҳ покдир, фақат пок нарсаларни қабул қилади. Улар учун емак-ичмак, кийим-кечак, машина, уй-жой сотиб олишда,

оиласини, ота-онасини боқишда ва закот чиқариш, жарималарни тўлашда рибодан келган фоизлардан фойдаланишлари мумкин эмас. Балки Оллоҳнинг азоби етиб қолишидан қўрқиб ундан халос бўлиш керак.

#### **40. Молнинг айбини яшириб сотиш**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буғдой сотаётган кишининг олдидан ўтаётиб қўлларини буғдой ичига тикдилар. Шунда бармоқлари намни сезди, сотувчига: *"Эй буғдойнинг эгаси бу нима? дедилар. "Ёмғир тегибди" деди у. "Одамлар кўришлари учун устига чиқариб қуймайсан-ми? (Савдода) алдаган киши биздан эмас", дедилар соллаллоҳу алайҳи ва саллам. (Имом Муслим ривояти).*

Бугунги кунда Оллоҳдан қўрқмайдиган кўплаб сотувчилар молнинг айбини устидан елимлаб яширишга ёки айби борини энг тагига қуйиш ёки кимёвий моддалар қўллаш каби усуллар билан молнинг ташқи кўринишини яхшилайдилар ёки дейлик машина моторидаги ё бошқа еридаги илгари мавжуд бўлган товушни вақтинча тўхтатадиган усуллар билан уни яширадилар, молни харидор сотиб олгач кўп ўтмай у ишдан чиқади. Баъзилар молнинг яроқлилиқ муддатини ўзгартирадилар ёки харидорга



молни яхшилаб кўришга ёки текшириб ё синаб олишга йўл қўймайдилар. Сифатли ёғга сифати пастроғини, олий нав унга биринчи нав унни аралаштириб сотиш, машинани юрган километр рақамларини орқага айлантдириб сотиш ва ҳоказо шунга ўхшашларнинг бари ҳаромдир. Баъзи сотувчилар машинасини сотаётганда: "Бир тўп темир сотаман", деб айтиб қўйсам масъулиятдан холи бўламан деб ўйлайдилар. Бундай савдо қилишдан барака кўтарилгандир.

Азиз сотувчилар! Ўзингизга шундай иш қилинишига рози бўласизми? Сиз алдаётган киши кимлигини билиб қўйинг! Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *"Мусулмон мусулмон билан ака-укадир. Ўз ака-укасига айби бор нарсанинг айбини баён қилмай сотиши ҳалол эмас"*. (Ибн Можа ривояти).

Яна бир ҳадисда эса бундай деганлар: *"Олувчи ва сотувчи бир-бирларидан ажрагунларига қадар ихтиёрлидирлар. Агар улар рост ва очиқ савдо қилишсалар савдолари баракали бўлади. Ёлгон ва ҳийлали савдоларидан эса барака кўтарилади"*. (Имом Бухорий ривояти).

## **41. Ёлгон харидорлик**

Сотиб олишни хоҳламаган ҳолда бошқа харидорларни алдаш учун молга қиммат нарх таклиф қилиш. Ҳадисларда бу каби савдони "Нажш савдо" дейилган.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда: *"Нажш (ёлгон харидорлик) қилманглар!"*, деганлар. Бу ҳам макр-хийланинг бир туридир. Ҳадиси шарифда: *"Макр ва ёлгон (соҳиби) дўзахдадир"*, дейилган.

Ким ошди савдоларида ва машина бозорларида, бозорга кириб келаётган сотувчининг молини арзон баҳо беришга келишиб олиб уни алдайдиган, аммо мол ўзларига қарашли бўлса, аксинча билинтирмай харидорлар орасига кириб олиб нархни кўтарадиган ва шу билан Оллоҳнинг бандалари- ни алдайдиган, уларга зарар етказадиган маккор, хоин даллолларнинг ишлари пасткашлиқдир.

## **42. Жумъа намозининг иккинчи азонидан кейин савдо қилиш**

Оллоҳ таоло айтади: **"Эй мўминлар, қачон жума кунндаги намозга чорланса (яъни азон айтилса), дарҳол Оллоҳнинг зикрига (яъни, жумъа хутбасини тинглаш ва намозини адо қилиш учун) боринглар ва олди-сотдини тарк қилинглар! Агар биладиган**

**бўлсангиз, мана шу (иш) ўзларингиз учун яхшироқдир"**. (Жумъа: 9).

Баъзи сотувчилар ўз дўконларида ёки масжидларнинг ёнида жумъадаги иккинчи азондан кейин ҳам савдоларини давом эттираверадилар. Улардан нарса сотиб олаётган харидорлар ҳатто мисвок сотиб олсалар ҳам улар билан гуноҳда шерик бўладилар. Бу каби савдо ботилдир.

Баъзи ошхоналар, нонвойхоналар ва корхоналарнинг эгалари бўлса, ўз ишчиларини жумъа вақтида ишлашга мажбур қиладилар. Бир қарашда уларнинг фойдалари кўпаяётгандек кўринса-да ҳақиқатда эса, зиёндан ўзга нарсани орттиролмайдилар. Энди бундай ҳолатга солинган ишчига келсак, у Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу ҳадислари мазмуни бўйича иш тутиши керак: *"Оллоҳга осий бўлинадиган ишда бандага итоат қилинмайди"*. (Имом Аҳмад ривояти).

### **43. Қимор ўйнаш**

Оллоҳ таоло деди: **«Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиш), қимор (ўйнаш), бутлар (яъни уларга сиғиниш) ва чўплар (яъни чўплар билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром**

**ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар бирдан узоқ бўлингиз!».** (Моида: 90).

Жоҳилиятда араблар жамланиб қимор ўйнар эдилар. Унинг энг кўп тарқалган шакли: ўн киши битта туяни ўртада сотиб олиб, сўнг қуръа ташлаш йўсинида қадоқ (идиш) очишарди. Етгита ўйинчи одатлари бўйича белгиланган ҳар хил улушлар олишса, қолган учтаси ҳеч нарса олмас эди.

Ҳозирги пайтда қиморнинг турлари кўпайиб кетди. Улардан бири лотерея, унинг ҳам тури кўп. Энг оддийси тиражда қўйилган мол учун рақамли лотерея билетлари сотиб олиш. Ҳамма пул тикади, аммо ютуқ айримларгагина чиқади. Бунда бировнинг ҳақи бошқага ноҳақ ўтиб кетади.

Яна бири, ичида номаълум нарса бўлган бирон буюм сотиб олинади ёки нарсалар сотиб олинганда рақам кўшиб берилади, бу билан кейинчалик совриндорлар аниқланади ва ҳоказо. Буларнинг барчаси, модомики бировнинг ҳақи бошқага ноҳақ ўтиб кетар экан, қандай ном билан номланмасин, у "Хайрия лотереяларими" ёки бошқами, шариат бўйича ҳаром ҳисобланади.

Асримиздаги қимор кўринишларидан яна бири, ҳаётга, машиналарга, буюмларга, бахтсиз ходисаларга қарши қилинадиган тўлиқ ёки бошқа турли хилдаги

битимлар (суғурта, страхования)лардир. Хатто айрим кўшиқчилар овозларини ҳам суғурта қиладилар.

Шунингдек, азарт ўйинларнинг барча турлари қиморга киради. Ҳозирда махсус қиморхоналар ҳам пайдо бўлган. У ерларда мана шу гуноҳи кабирани қилиш учун "яшил столлар" ўрнатилган.

От чоптириш ва шунга ўхшаш мусобақа- лардаги гаров тикишлар ҳам қиморнинг турига киради. Шунингдек, баъзи бир ўйинхоналар ва кўнгилочар марказлардаги қиморга йўналти- рилган ўйинлар ҳам шунинг ўзидир.

Икки томондан соврин қўйиладиган мусобақалар ҳам ҳаромдир.

#### **44. Ўғрилиқ**

Қуръони Каримда: **"Ўғри эркакни ҳам, ўғри аёлни ҳам қўлларини кесинглар!** (Токи бу) уларнинг қилмишларига яраша жазо бўлсин, **Оллоҳ томонидан берилган азоб бўлсин. Оллоҳ кудрат ва ҳикмат Эгасидир"**. (Моида:38).

Ўғрилиқнинг энг қабиҳи ҳаж ва умра зиёратчиларига нисбатан қилинган ўғрилиқдир. Бундай жирканч ўғрилиқ қилувчилар курраи заминнинг энг мўътабар гўшаси Каъбатуллоҳ ва Ҳарами Шарифни назарга илмай, Оллоҳнинг

чегараларини бузишда каттиқ хадларидан ошган кимсалардир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам кусуф намози ҳақидаги қиссада шундай деганлар: *"Дўзах менинг олдимга келтирилди. Бу — ўша сизлар мени унинг тафти тегиб кетишидан кўрқиб тисарилганимни кўрган пайтингизда бўлди. Мен унда (дўзахда) ўз ичак-чавоқларини судраб юрган, учи эгри таёқнинг соҳибини кўрдим. У мана шу учи эгри таёғи билан ҳожиларнинг (нарсаларини) ўғирлар эди. Агар сезиб қолишса, таёғимга илиниб қолибди дерди, сезмай қолишса олиб кетаверар эди"*. (Имом Муслим ривояти).

Яна бир ўғрилиқнинг энг қабиҳи халқ мулкини ўғирлашдир. Баъзи кимсалар: "Бошқалар ўғирлапти-ку, биз ҳам олсак олибмиз-да", дейдилар. Билмайдиларки, бундай ўғрилиқ бутун мусулмонлардан ўғирлаш ҳисобланади. Зеро умумий мулк барча мусулмонларга тегишлидир. Оллоҳдан кўркмай- диган кимсаларнинг ишлари, уларга тақлид қилиш учун ҳужжат бўлмайди. Баъзилар мусулмон бўлмаганларнинг мулкини "Улар кофир-ку", деган далил билан ўғирлайдилар. Бу нотўғри. Чунки фақат мусулмонларга қарши урушаётган кофирларнигина мулкларидан маҳрум қилиш мумкин, ҳамма кофирларнинг ширкатлари ёки шахсларини эмас.

Яна ўғрилиқ кўринишларидан: киссавурлик, яъни бировнинг чўнтагига тушиш, меҳмонга борганда ёки ўз меҳмонларининг юкларидан ўғирлаш, дўконларга кириб чўнтак ва ё кўйнига беркитиб чиқиш ва аёлларнинг ички либосларига яшириб ўғирлашларидир.

Баъзи одамлар озроқ ёки арзон нарсани ўғирласа бўлаверади, деб ҳисоблайдилар. Ҳолбуки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *"Тухум ўғирлаб қўли кесилган, арқон ўғирлаб қўли кесилган ўғрига Оллоҳнинг лаънати бўлсин"*, деганлар. (Имом Бухорий ривояти).

Ўғрилиқ қилган киши аввало Оллоҳга тавба қилиши, сўнг олган нарсасини ошқора ё бирон восита билан ёки пинҳона бўлсин фарқи йўқ, албатта молни эгасига қайтариб бериши керак. Мабодо молнинг эгасини ёки унинг меросхўрини астойдил ахтарсада топа олмаса, ундай ҳолда савобини молнинг эгасига ният қилиб уни садақа қилиб юборади.

## **45. Пора олиш ва бериш**

Қози ёки ҳокимга ҳақни ноҳаққа ё ноҳақни ҳаққа айлантириш мақсадида пора бериш — оғир жиноятдир. Чунки бу адолатсиз ҳукмга, зулмнинг қарор топишига ва фасод ишларнинг тарқалишига олиб келади. Оллоҳ таоло Қуръони каримда: **"Мол-**

**дунёларингизни ораларингиз- да ноҳақ - ҳаром йўллар билан емангиз! Билиб туриб, одамларнинг молларидан бир қисмини гуноҳ - ҳаром йўл билан ейиш учун (молларингизни пора қилиб) ҳокимларга узатманг!",** деб қайтарган. (Бақара:188).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда эса Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *"Ҳукм чиқаришда пора берган ҳам, олган ҳам Оллоҳнинг лаънатига йўлиқади"*, деб огоҳлантирганлар. (Имом Аҳмад ривояти).

Аммо ҳаққа етиш ёки зулмни даф этиш учун порадан ўзга чора қолмаса юқоридаги ваъиддан мустасно бўлади.

Бизнинг асримизда порахўрлик шунчалар кенг илдиз отиб кетдики, ҳатто баъзи мансабдорлар учун ойликларидан ҳам катта, улкан даромад манбаи, баъзи ширкатлар дастурларининг эса кўзга кўринмас моддасига айланиб қолди. Кўп ишлар, муомалалар порасиз бошланмайдиган ва усиз тугамайдиган бўлиб қолди. Камбағаллар бундан улкан зарарлар кўришмоқда. Пора кўп одамларни виждонидан айириб, хизмат кўрсатувчининг мижозга нисбатан муносабатини бузилишига сабаб бўлмоқда.

Пора берганга тузукроқ, бермаган бечорага ёмондан-ёмон хизмат кўрсатилади ё кечиктирилади



ёки умуман хизмат кўрсатилмайди. Навбати кейинда бўлса ҳам пора берганлар илгарироқ ишларини битириб оладилар.

Пора сабаб ширкат эгасига келиши лозим бўлган пуллар иш юритувчи вакилларнинг чўнтаklarига тушмоқда. Ушбу ва бошқа сабабларга кўра, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу гуноҳи кабира иштирокчи-ларини Оллоҳнинг раҳматидан қувғинга учрашларини тилаб дуоибад қилганларига ажабланмаса ҳам бўлади. Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумо ривоят қилган ҳадисда, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *"Пора берганга ҳам уни олганга ҳам Оллоҳнинг лаънати бўлсин"*. (Ибн Можа ривояти).

## **46. Ерни тортиб олиш**

Оллоҳдан кўркиш бўлмаса куч-қудрат ва мансаб ўз эгасига бало бўлади. У шу туфайли ўзгаларнинг мол-мулкига кўз олайтириш, тортиб олиш каби зулм ишларга қўл уради. Ана шундай ишлардан бири — ер тортиб олишдир. Бу жиноятнинг жазоси ғоят оғир бўлиб, бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо ривоят қилган ҳадисда бундай дейилган: *"Ердан озгинасига бўлсин ноҳақ эга бўлиб олган одам қиймат кунни етти қават ерга юттирилади"*. (Имом Бухорий ривояти).

Яъло ибн Мурра разияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: *"Қайси бир киши бир қарич ерни бўлсин ноҳақ олса, Оллоҳ унга ўша ернинг еттинчи қаватигача кавлаттириб (бир ривоятда, келтиргизиб) сўнг қиёмат куни бандаларнинг ўртасида ҳукм чиқариб бўлгунича унинг бўйнига кишан қилиб осиб қўяди"*. (Табороний ривояти).

Ернинг белгиларини (қозикларини) ва чегараларини ўзгартириш йўли билан қўшнисининг ҳисобидан ўз ерини кенгайтириб олиш ҳам ер тортиб олиш ҳукмига киради. Мана шу ҳадис шунга далилдир: *"Ернинг (ўрнатилган) белгиларини ўзгартирган кишига Оллоҳнинг лаънати бўлсин"*. (Имом Муслим ривояти).

## **47. Шафоат (воситачилик) учун ҳадя олиш**

Обрў ва мансаб, агар шукри адо этилса, Оллоҳнинг бандага берган неъматларидан саналади. Мусулмонларнинг манфаати йўлида ўз мансаби билан хизмат қилиш ана шу неъматнинг шукроналаридан бўлади. Умумий маънода айтилган ушбу ҳадис мазкур амалга (шафоатга) ҳам тааллуқлидир: *"Сизлардан ким ўз биродарига наф келтиришига қурби етса (шу ишни) қилсин!"*. (Имом Муслим ривояти).

Мансаби ва обрўси билан биродарини зулмдан химоя қилса ёки унга бирон нафи тегса ва бунда харом ишга қўл урмаса ёки бошқа бировнинг ҳуқуқига зарар етказмаса Оллоҳнинг олдида савобга ҳақли бўлади, башарти нияти холис бўлса. Бу ҳақда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: *"Шафоат қилинглари ажр (савоб) оласизлар"*. (Абу Довуд ривояти).

Аммо қилинган шафоат, ҳомийлик эвазига бир нарсани олиш жоиз эмас. Бунга саҳоба Абу Умома разияллоҳу анҳу ривоят қилган ушбу ҳадис далилдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *"Ким шафоатчиликка ўтгани учун берилган ҳадяни олса, судхўрликнинг энг катта туридан бирига қўл урибди"*. (Имом Аҳмад ривояти).

Бирор шахсни вазифага тайинлаш, бир соҳадан ё минтақадан бошқасига ўтказиш ёки касални даволатиб бериш ва бошқа шу каби ҳолатларда ўз мансаб обрўсини, воситачилигини маълум маблағ эвазига таклиф қиладиган кишилар ҳам бор, бу эса юқорида зикр қилинган ҳадисга биноан ҳаромдир. Ҳадиснинг зоҳири олдиндан шартлашмаган ҳолда ҳақ олишга ҳам тегишлидир. Савоб иш қиладиган кишига қиёмат куни Оллоҳ таолодан оладиган ажр-мукофот кифоядир.

Бир киши Ҳасан ибн Саҳлнинг ҳузурига келиб бир ишда шафоат қилишларини сўради. Ҳасан ибн Саҳл унга ёрдам бердилар. Ҳалиги киши ташаккур билдирди. Шунда Ҳасан ибн Саҳл: "Бизга нимага раҳмат дейсиз, биз молнинг закоти бўлгани каби обрўнинг ҳам закоти бор, деб биламиз", дедилар.

Шу ўринда бирон ҳақ эвазига бир ишни бошлаш, назорат қилиш ва битириб бериш учун шаръан жоиз бўлган одам ёллаш билан, жоиз бўлмаган ҳақ бадалига обрўсини ва воситачилигини таклиф қилиш ўртасида фарқ борлигини билиш ўринлидир.

#### **48. Мардикорни тўла ишлатиб, ҳаққини тўла бермаслик**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мардикорнинг ҳаққини кечиктирмасдан тез тўлашга тарғиб қилганлар: *"Мардикорнинг ҳаққини, унинг (пешона) териси қуримасидан олдин беринглар!"*. (Ибн Можа ривояти).

Жамиятда тарқалган зулм турларидан бири ишчилар, мардикорлар ва ходимларнинг ҳақларини бермаслик бўлиб, унинг бир неча кўринишлари бор:

1) Хизмат ҳаққини беришдан бутунлай бўйин товлаш, сабаби кўпинча хизматчининг қўлида уни ишлатганликлари тўғрисида ҳужжат бўлмайди. Аммо бечора заиф хизматчи (мардикор) бу дунёда ўз

ҳаққидан маҳрум этилган бўлса ҳам, Қиёматда Оллоҳнинг ҳузурида унинг ҳаққи сақланади. Ҳаққини бермай еб кетган золим: "Еб кетдим бўлди", деб ўйламасин. Қиёматда золимнинг яхши амалларидан мазлумга олиб берилади. Агар яхши амаллари бўлмаса ёки ҳаққини адо қилмай тугаб қолса, у ҳолда мазлумнинг ёмон амаллари золимга юкланади ва уни дўзахга ташлаб юборилади.

2) Унинг ҳаққи тўла адо қилинмай қисман уриб қолинади. Ваҳоланки, Оллоҳ таоло: **"Тарозидан (бировнинг ҳаққидан) уриб қолувчиларга ҳалокат бўлгай"**, деб огоҳлан- тирган. (Мутоффифун: 1).

Баъзи иш берувчилар муайян ҳақ тўлашга келишиб, ишчиларни ўзга юртлардан таклиф қиладилар. Улар келиб ўрнашиб ишни бошлашганда эса шартлашилгандан камроқ ҳақга битимни ўзгартирадилар. Албатта ишчилар буни расмий идораларга исбот қила олмай, чорасиз Оллоҳга нола қилиб қоладилар. Агар иш берувчи мусулмон, ишчи эса кофир бўлса, ҳақни тўла бермаслик кофир ишчини Исломга киришига тўсиқ бўлади ва ўша мусулмонга унинг гуноҳи ҳам юклатилади.

3) Ишчининг ҳаққини беришни пайсалга солиб, охири кўп машаққат, оворагарчилик, шикоят ва судлашувлардан кейингина бериш.

4) Қўшимча ҳақ тўламасдан ишни кўпайтириб юбориш ёки иш вақтини узайтириш.

Баъзан иш берувчининг юқорида ўтган ишлардан мақсади ишчини зериктириб ўз ҳаққидан воз кечтириб юбориш ёки унинг пулини айлантириб фойдаланиб қолишни ҳам кўзлаган бўлади. Бечора ишчи бўлса на кундалик емиш топа олади ва на муҳтожликда қолган оиласига бирон нарса юбора олади. Шунинг учун ҳам золимларга Қиёматда Оллоҳнинг азоби муқаррардир.

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилади, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *"Оллоҳ таоло деди: " Мен Қиёмат куни уч кишининг: Менинг номимни ўртага қўйиб (бирон нарса) олиб, сўнг хиёнат қилган кишининг, ҳур-озод одамни сотиб, сўнгра пулини еган кишининг ва мардикорни ижарага олиб ишлатиб, ҳаққини тўлиқ бермаган кишининг душмани- дирман".* (Имом Бухорий ривояти).

## **49. Фарзандларига (бирон нарса) беришда адолат қилмаслик**

Фарзандларининг баъзисига совғалар, тортиқлар бериб, бошқаларидан ажратадиган ота-оналар ҳам бор. Шубҳасиз, бундай қилиш ҳаромдир. Аммо бир фарзандда бўлмаган ҳолат бошқасида бўлса, масалан, касаллик, қарз, ишсизлик, оиласининг катталиги,

талабалик ёки Қуръонни ёд олгани учун мукофот тарзда ва хоказо шу каби бирон шаръий сабаб туфайли бир фарзандига қўшимча нарса берар экан, бунинг зарари йўқ. Бироқ наригиси ҳам худди шундай ҳолатга тушгудай бўлса, унга бераман, деб ният қилиши лозим. Оллоҳ таоло Қуръони Каримда айтган ушбу сўзи умумий далил бўлса: **"Адолат қилингиз! Шу тақвога яқинроқдир. Оллоҳдан қўрқингиз!"**. (Моида: 8).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу ҳадислари эса, фарзандларга беришда адолатли бўлишга хос далилдир: Нўмон ибн Башир разияллоҳу анҳу айтади: "Отам мени Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига олиб бордилар ва "Мен шу ўғлимга бир ғулом (кул) ҳадя қилдим" дедилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *"Барча фарзандларингизга шундай ҳадя бердингизми?"* деб сўрадилар. Отам: "Йўқ" дедилар. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *"Уни қайтариб олинг!"*, дедилар". (Имом Бухорий ривояти).

Бошқа ривоятда: *"Оллоҳдан қўрқинглар ва фарзандларингиз ўртасида адолат қилинглар!"*, деганлар. Нўмон ибн Башир разияллоҳу анҳу айтади: "Шундан кейин отам ҳадясини қайтариб олди". Имом Муслимнинг ривоятида эса, Пайғамбар

соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *"Ундай бўлса бунга мени гувоҳ қилма, чунки мен жаврга (зулмга) гувоҳлик қилмайман"*, деганлар.

Баъзи оилаларда ота-оналар Оллоҳдан қўрқмай фарзандларидан баъзиларини совға-саломлар билан ортиқроқ сийлайдилар. Бу нарса эса фарзандларнинг ўрталарида ғайирлик ва адоватни келтириб чиқаради. Шундай оталар ҳам борки, "Амакиларига" ўхшайдиган ўғлига ҳадя бериб, "Тоғаларига" ўхшайдиган ўғлига бермайди. Ёки бир хотинидан бўлган болаларига бериб, бошқа хотинидан бўлган болаларига бермайди. Биринчисининг болаларини яхши (махсус) мактабларда ўқитади, иккинчисиникига бундай қилмайди. Келажақда бунинг балоси ўзига қайтади, чунки яхшилик кўрмаган фарзанд кўпинча яхшилик ҳам қилмайди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадя беришда болаларини ажратган кишига: *"Фарзандларинг сенга баробар (биргаликда) яхшилик қилишларини (хизматинг- да бўлишларини) хоҳламайсан-ми?"*, деганлар. (Имом Аҳмад ривояти).

## **50. Муҳтож бўлмаса ҳам тиланчилик қилиш**

Саҳл ибн Ханзалийя разияллоҳу анҳу ривоят қилади, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам



дедилар: "Ўзида етарли нарса бўла туриб тиланчилик қилган киши, жаҳаннамдан чўз тилаб олган бўлади", Саҳобалар: "Тиланишни жоиз қилмайдиган етарли нарса нима?", деб сўрадилар. "Эрталабки ва кечки овқатга етарли нарсасининг бўлишидир", деб жавоб бердилар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам. (Абу Довуд ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда эса Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Беҳожат бўла туриб тиланчилик қилган одам, Қиёмат куни юзи тимдаланган ҳолда келади", деганлар. (Имом Аҳмад ривояти).

Ўзлари муҳтож бўлишмаса ҳам масжиддан масжидга бориб бола-чақалари билан биргаликда тиланчилик қилиб юрадиганлар бор. Улар одамларнинг тасбиҳларини бўлиб, ўз шикоятлари ва ёлғон қиссаларини айтадилар, касаллиги тўғрисида қалбаки варақалар кўрсатадилар. Ундайларнинг қанча бойлиги бор эканини Оллоҳгина билади, вафотларидан кейин мерослари ўртага чиқади. Пулларидан берувчилар озгина хушёр, сезгир ва фаросатли бўлишлари лозим. Зеро билмаганлар "бу беҳожат бўлса керак", деб ҳисоблайдиган ҳақиқий муҳтожлар эса тортиниб сўрай олмай, тиланчилик қилмайдилар, аммо муҳтож бўлиб ўзларини

билдирмай кун ўтказадилар. Ана шундайларни топиб беришга ҳаракат қилиш керак.

## **51. Қайтармаслик ниятида қарз олиш**

Оллоҳнинг олдида бандаларнинг ҳаққи жуда эътиборлидир. Банда Оллоҳнинг ҳаққидан тавба билан қутулиши мумкин лекин бандаларнинг ҳақларидан эса олтин-у кумушлар билан эмас, қилган яхшилик ва ёмонликлар билан ҳисоб-китоб қилинадиган Кун (Қиёматга) қолдирмай қутулишга шошмоқ лозимдир. Оллоҳ таоло айтди: **"Оллоҳ омонатларни ўз эгаларига қайтаришни сизларга буюрди"**. (Нисо:58).

Жамиятда кенг тарқалган иллатлардан бири қарз сўрашга бепарволик ва маъсулиятсизлик ила ёндошишдир. Баъзи одамлар зарурат юзасидан эмас, балки яна ҳам бойиш учун ёки бошқалардан қолишмаслик учун машина ё уй анжомлари каби дунёнинг фоний матоларини янгилашга қарз сўрайдилар. Шубҳа ва ҳатто ҳаромдан холи бўлмаган банк орқали сотиб олиш ҳам шу жумладандир. Кўпинча мана шундай одамларнинг бири икки бўлмай қарзга ботиб танг ҳолатда юрадилар.

Қарз олишдаги бепарволик ва маъсулиятсизлик, киши қарзини чўзишига ёки ўзгалар мулкани талон-

тарож бўлишига олиб келади. Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам бу ишнинг ёмон оқибатидан огоҳлантириб шундай деганлар: *"Ким одамлардан қарз олганда уни узиши, қайтариб бериши нияти билан олса, Оллоҳ унга ёрдам беради. Аммо ким талофат етказиши (еб кетиши) нияти билан олса, Оллоҳ унга талофат етказади"*. (Имом Бухорий ривояти).

Одамлар қарзга бепарво қарайдилар, уни енгил иш деб ҳисоблайдилар, ваҳоланки у Оллоҳнинг наздида жуда оғир ишдир. Ҳатто улуғ фазилатлар, улкан савоблар ва олий мартабаларга эга бўлган шаҳидлар ҳам қарзнинг савол-жавобидан қутила олмайдилар. Бунга далил Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ушбу ҳадисларидир: *"Субҳаналлоҳ! Оллоҳ таоло қарз ҳақида қандай ҳам оғир ҳукмлар нозил қилди. Жоним қўлида бўлган Зотга қасам-ки, агарчи бир киши Оллоҳ йўлида қатл этилса, сўнг (қайта) тирилтирилса, сўнг яна қатл этилса, (яъни Оллоҳ йўлида уч мартаба ўлиб-тирилса ҳам) устида қарзи бўлса у узилмагунча жаннатга кирмайди"*. (Имом Насоий ривояти).

Мана шу ҳадисни билгандан кейин анави қарзга масъулиятсиз, бепарволар бироз ўнгланармиканлар?!

## 52. Ҳаром ейиш

Оллоҳдан кўркмайдиган одам мол-дунёни қаердан топиб қаерга сарфлаётганига бефарқ бўлади. Унинг ягона мақсади қайси йўл билан бўлмасин дунё тўплаш, у ўғрилик бўладими, порахўрликми, тиланчиликми, зўравонликми ё ҳийла-найранг муттаҳамлик билан тортиб олишми, ҳаром нарса савдосими, судхўрликми, етимнинг молини ейиш бўладими, ҳаром касб ҳунарлар: фолбинлик, фоҳишалик, отарчилик каби, ёки мусулмонларнинг "Байтулмоли"дан ё умум халқ мулкидан ўмариш бўладими ва ҳоказо шунга ўхшаш йўллар билан бўладими унга фарқи йўқ.

Кейин у мана шу топганидан қорнига ейди, кийинади, машина минади, иморат солади, мебел олади, тўй қилади, хуллас қорнига ҳаром киради ва ҳолбуки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *"Ҳаромдан битган эт учун дўзах авлороқдир"* деганлар. (Табароний ривояти).

Яқинда, Қиёмат кунида қаердан топиб қаерга сарфлаганининг жавобини беради. Ана шу ерда ҳасрату надомат, пушаймону афсуслар чекади, аммо унда кеч бўлади. Шундай экан, кимда ҳаром мол-дунё бор бўлса ундан тезроқ қутилсин! Агар у инсоннинг ҳаққи бўлса, олтин-у кумушлар билан эмас, савоб ва

гуноҳлар билан ҳисоб–китоб қилинадиган Кунга қолдирмай эгасига қайтариш учун шошилсин!

### **53. Бир қатра бўлсин маст қилувчи ичимлик ичиш**

Оллоҳ таоло деди: **"Эй мўъминлар, ароқ (маст қиладиган ичимлик ичиш), кимор (ўйнаш), бут-санамлар (яъни, уларга сиғиниш) ва (фол очадиган) чўплар шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, уларнинг ҳар биридан узоқ бўлингиз, шояд нажот топсангиз!"**. (Моида: 90).

Узоқ бўлиш, яқинига ҳам йўламаслик ҳақидаги фармон, бу нарсанинг ҳаромлигига жуда ҳам кучли далил ҳисобланади. Бунга қўшимча ўлароқ, уни кофирларнинг илоҳлари ва санамлари бўлмиш бутлар билан ёнма-ён келтирилиши, "Қуръонда ароқни ҳаром дейилмаган, "узоқ бўлинг" дейилган, демак у ҳаром эмас", дегувчиларга ҳужжат қолдирмайди. Ундан ташқари саҳиҳ ҳадисларда ҳам ароқ ичадиган одамларга алоҳида ваъид (азоб хабарлари) келган. Саҳобий Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳудан марфуъ (Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга етказилган) ҳадисда: *"... Маст қилувчи ичимликни ичган кишини "Тийнатул хобал"дан сугоришига Оллоҳ*

*аҳд қилган"*, дедилар. "Ё Расулуллоҳ, "Тийнатул хобал" нима? деб сўрашган эди, *"Дўзах аҳлининг терлари ёки дўзах аҳлидан оққан қон ва йиринглар"*, деб жавоб бердилар. (Имом Муслим ривояти).

Ибн Аббос ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *"Кимда-ким маст қилувчи ичимликка муккасидан кетган ҳолда ўлса, у Оллоҳга худди бутпараст сингари йўлиқибди"*. (Табороний ривояти). Яъни маст қилувчи ичимликни ҳалол деб билган кимса бутпараст билан баробардир.

Ҳозирги пайтга келиб маст қилувчи ичимликларнинг турлари кўпайиб кетган. Унга хилма-хил номлар қўйиб олишган: Коньяк, водка, вино, шампан, пиво ва ҳоказо.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабарларини берган тоифа уммат ичида пайдо бўлди: *"Умматимдан бир тоифа ароқ ичадилар, лекин номини ўзгартириб оладилар"*. (Имом Аҳмад ривояти).

Ароқ эмас, "руҳий ичимлик" деб аташ шундай тоифанинг ҳийла-алдовидир. Оллоҳ таоло деди: **"Оллоҳни ва мўъминларни алдамоқчи бўладилар,**

**вахоланки, фақат ўзларини алдаётганларини ўзлари билмай- дилар".** (Бақара: 9).

Шариат ҳар хил ҳийла-найранг ва ўйинларга йўл бермайдиган аниқ чегарани белгилаб қўйган. Ҳадиси шарифда келган: *"Ҳар бир маст қилувчи нарса хамрдир (ароқдир) ва ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаромдир"*. (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Демак, ақлни оздирувчи ва маст қилувчи ҳар қандай нарсанинг ози ҳам, кўпи ҳам ҳаромдир. Уни қандай ном билан номлашмасин, унинг номи бир, ҳукми маълумдир.

Маст қилиш ёки кайф қилиш учун эмас, балки чанқоқ босиш учун озгина ичса бўлар деб пиво ичувчилар, мана бу ҳадисни яхшилаб ўқиб олсинлар: *"Кўпи маст қиладиган нарсанинг озгинаси ҳам ҳаромдир"*. (Имом Аҳмад, ибн Можа, Дора Қутний ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам маст қилувчи нарсаларни, қуюқ ёки суюқ бўлсин бир-биридан ажратмаганлар (яъни ҳаммаси ҳаромдир).

Маст қилувчи ичимлик билан даволаниш мумкин эмас. Сабаби Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва

саллам: *"Оллоҳ азза ва жалла ҳаром нарсани даво қилмаган"*, балки *"У даво эмас, аксинча дарддир"*, деган сўзлари билан бу масалага узил-кесил нуқта қўйганлар.

Маст қилувчи ичимлик сабабли лаънатланган кимсалар хусусида ушбу ҳадис етарлидир: *"Оллоҳ маст қилувчи ичимликни ҳам, уни ичувчини ҳам, қуювчини ҳам, сотиб олувчини ҳам, сотувчини ҳам, тайёрлатувчини ҳам, олиб келувчини ҳам, олиб келтирувчини ҳам лаънатлади"*. (Абу Довуд ривояти).

Ибн Можанинг ривоятида: *"Пулини еювчини ҳам"* дейилган.

Сўзимизнинг охирида Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ароқхўрларга қарата айтган бир мавъизаларини келтирамиз: *"Ким ароқ ичса ва маст бўлса қирқ кун намози қабул бўлмайди, ўлиб қолса дўзахга тушади, (ўлмай туриб) тавба қилса тавбаси қабулдир. Такрор яна ичса ва маст бўлса қирқ кун намози қабул бўлмайди, ўлиб қолса дўзахга тушади, (хушига келгач) тавба қилса тавбаси қабулдир. Такрор яна ичса ва маст бўлса қирқ кун намози қабул бўлмайди, ўлиб қолса дўзахга тушади, тавба қилса тавбаси қабулдир. Шундан*



кейин яна ичса, Қиёмат кунда Оллоҳ уни Хобал ботқоғидан сугоради". Саҳобалар: "Ё Расулulloҳ! Хобал ботқоғи нима?", деб сўрашди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "*Дўзах аҳлидан оққан йиринг қонлардир*", деб жавоб бердилар. (Ибн Можа ривояти).

## **54.Тилла ва кумуш идишларни ишлатиш ва уларда ейиш, ичиш**

Ҳозирги кунда деярли барча "Уй анжомлари" дўконларида, уйларда ва меҳмонхоналарда тилла ё кумушдан ёки уларнинг суви югуртирилган идиш-товоқлар учрайди. Бу ҳам майли, ҳозир одамлар бир-бирларига нафис тилла идиш-товоқларни совға қиладиган бўлишган. Баъзилар бундай идишларни уйларида сақламасалар-да, лекин бировларнинг уйларига борганда ёки тўйларда ишлатадилар. Буларнинг бари таъқиқланган (ҳаром қилинган) ишлардир. Зеро, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундай идишларни ишлатувчиларга оғир ваъидлар ворид бўлган. Шулардан: "*Кумуш ё олтин идишда ейдиган, ё ичадиган киши ўз қорнига жаҳаннам отабини киритаётган бўлади*". (Имом Муслим ривояти).

Бу ҳукм барча идиш-товоқлар, яъни лycopчa, қошиқ, санчқи, пичоқ, патнис ва бошқа махсус идишларнинг барига тааллуқлидир. Баъзилар эса: "Биз уларни ишлатмаймиз, фақат зийнат учун тоқчаларга териб қўямиз", дейишади. Ишлатиб қўйишнинг олдини олиш учун бу иш ҳам жоиз эмасдир, дейилган.

## **55. Ёлғон гувоҳлик бериш**

Оллоҳ таоло деди: **"Сизлар эса бутлардан иборат нажосатдан сақланинглaр, ёлғон гувоҳлик беришдан сақланинглaр. Оллоҳга холис ибодат қилинглaр, Унга ширк келтирманглaр"**. (Ҳаж: 30-31).

Абдурахмон ибн Абу Бакра разияллоҳу анҳумодан, у отасидан: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдик, шунда ул зот: *"Гуноҳларнинг энг катталари ҳақида сизларга хабар берайми? деб уч марта айтдилар, кейин дедилар: "Оллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш"... Ёнбошлаган ҳолда эдилар, ўтириб олдиларда: "Огоҳ бўлинглaр, ёлғон гапириш ва ёлғон гувоҳлик бериш", деб такрорлайвердилар, ҳаттоки биз: "Қанийди тўхтасалар эди", деб қолдик"*. (Имом Бухорий ривояти).

Такрор-такрор ёлғон гувоҳлик беришдан кайтарганларининг сабаби кишиларнинг унга эътиборсизликлари, унга ундовчи адоват ва ҳасад каби омилларнинг кўплиги, ҳамда зарарининг мўллиги учундир.

Ёлғон гувоҳлик оқибатида қанча ҳақ-ҳуқуқлар поймол бўлади, қанчадан-қанча бегуноҳлар зулмга гирифтор бўладилар, баъзи одамлар эса ўзлариники бўлмаган нарсаларга эга бўлиб олишади, ҳатто баъзилар ёлғон гувоҳлик билан насабларигача ўзгартириб олишади. Яна шундай одамлар борки, маҳкамаларга мурожаат қилганларида, гувоҳга муҳтож бўлиб қолган пайтида тўғри келган одамга "сиз менга гувоҳ бўлинг, мен ҳам сизга гувоҳ бўлай", деб ишнинг ҳақиқатини суриштирмай, аниқламай туриб гувоҳликка ўтиб кетаверадилар. Бундай қилиш ҳам гувоҳлик ишига беписандлик бўлади. Маҳкама эшигидан бошқа жойда учрамаган бир одам учун дейлик ер ёки уйга эгалик ҳақида гувоҳликка ёки уни оқлаб гувоҳликка ўтиш, ёлғончилик ва муттаҳамликдан ўзга нарса эмас. Шунинг учун гувоҳликка ўтиш: **"... Биз фақат билган нарсамизга гувоҳлик бердик"**. (Юсуф:81) оятига мувофиқ бўлиши керак.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламнинг: *"Ёлгон гувоҳлик берувчининг икки қадами (турган еридан) қўзғалмай туриб Оллоҳ унга дўзахни вожиб қилади"*, деган сўзларини унутмаслик лозим. (Ибн Можа, Ҳоким ривояти).

## **56. Куй ва қўшиқ эшитиш**

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоху анху Оллоҳга қасам ичиб: **"Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар билимсизлик билан (ўзгаларни) Оллоҳнинг йўлидан оздириш учун ва у (йўлни) масхара қилиш учун беҳуда сўз(лар)ни сотиб олур"**. (Луқмон: 6) оятдаги "беҳуда сўз(лар)дан мурод – мусиқақадир" деб, айтганлар.

Абу Омир ва Абу Молик Ашъарий разияллоху анхумо ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: *"Умматимдан шундай одамлар бўладики, улар зино, ипак, маст қилувчи ичимлик ва мусиқани ҳалол қилиб олишади..."*. (Имом Бухорий ривояти).

Анас разияллоху анху ривоят қилган ҳадисда эса: *"Бу уммат ичида ер ютиши, тош ёғилиши, (исёнкорларни) тўнғиз ва маймунларга айлантириб*

*қўйилиши содир бўлади, бу эса маст қилувчи ичимликлар ичишган, ўзлариға яллачи аёлларни олишган ва мусиқа асбоблари чалишган пайтда бўлади". (Ибн Абид-Дунё ривояти).*

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ноғорадан қайтарганлар, найни эса аҳмоқ ва фожирнинг товуши, деб сифатлаганлар. Ўтган уламолар, хусусан имом Аҳмад раҳимахуллоҳ уд, танбур, най, рубоб ва чанг каби мусиқа асбобларини ҳаром деганлар. Мусиқадан қайтарилган ҳадис остига, скрипка, қонун, пианино, гитара ва булардан бошқа замонавий мусиқа асбоблари ҳам киришиға шак-шубҳа йўқдир, балки замонавий мусиқа асбоблари, баъзи ҳадисларда ҳаромлиги айтилган қадимги мусиқа асбобларидан кўра кўпроқ завқлантириб ва қаттиқроқ таъсир қилади. Мусиқанинг нашваси, маст қилиши, маст қилувчи ичимликлар мастлигидан кўра кучлидир. Мусиқаға ашула жўр бўлса, хусусан яллачи аёлларнинг овозлари қўшилса, ҳаромлиги ортиб, гуноҳи ҳам катталашади. Ашуланинг сўзлари ишқ, муҳаббат, севги ва хусн-жамол васфи ҳақида бўлса, мусибат янада катталашади. Шунинг учун ҳам уламолар: "Куй-қўшиқ зинонинг чопаридир. У қалбға нифоқ

уруғини сепеди" деб, огоҳлантиришган. Демак, куй-кўшиқ, мусиқа асримиздаги энг катта фитналардан бирига айлангандир. Ҳозирги кунда соатлар, кўнғироқлар, ўйинчоқлар, компьютер ва телефонларга мусиқанинг кириб кетиши, бало устига бало бўлиб, бундан сақланиш, узоқ бўлиш мусулмонлардан жиддийликни талаб қилади. Оллоҳим Ўзи мадад берсин.

## 57. Ғийбат

Мусулмонларни ғийбат қилиш ва уларнинг обрўларини тўкиш, аксар давраларнинг эрмак қилиб ўтирадиган писта-бодомига айланиб қолди. Оллоҳ таоло ғийбатни таъқиқлаган ҳамда уни эшитган одам жирканадиган қилиб тасвирлаб берган: "...**айримларингиз айримларни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми?! Ана ёмон кўрдингизми?! (Бас, гуноҳи бундан-да ортиқ бўлган ғийбатни ҳам ёмон кўрингиз!)"**. (Ҳужурот: 12).

Оятнинг мазмунини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу сўзларида баён қилиб берганлар: "*Ғийбат нима биласизларми?*". Саҳобалар:

*"Оллоҳ ва Унинг Расули билувчироқ", дейишди. Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Биродаринг ҳақида, эшитса ёмон кўрадиган сўзларни гапиришингдир". Сўралдики: "Мен айтаётган гап биродаримда бўлса-чи?" Шунда Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Айтганларинг биродарингда бўлса уни гийбат қилган бўласан, агар бўлмаса бўҳтон қилган бўласан", дедилар. (Имом Муслим ривояти).*

Демак, гийбат мусулмоннинг кетидан у эшитса ранжийдиган гапларни гапиришдир. Бу гап унинг дини ҳақида бўладими, дунёсими ё ахлоқими ёки жисмоний тузилиши ҳақидами барибир.

Ғийбатнинг бир неча кўринишлари бор. Масалан, айбларини гапириш ёки масхара қилиш мақсадида унинг бирор хатти-ҳаракатини ўхшатиш. Оллоҳнинг олдида ўта жирканч ва хунук бир жиноят саналишига қарамай, кўпгина кишилар ғийбат қилишга бепарво бўладилар. Ҳолбуки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақда ўта қаттиқ сўз айтганлар: *"Судхўрлик етмиш икки хил бўлиб, шунинг энг кичиги киши ўз онаси билан зино қилганга тенгдир. Судхўрликнинг энг каттаси эса – биродарининг*

*обрўсини тўкишидир*". ("Силсилаи саҳийҳа 1871" Албоний ривояти).

Даврада ўтирган одам ғийбатдан кайтариб, ғийбати қилинаётган биродарини ҳимоя қилиш фарздир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ана шунга тарғиб қилганлар: *"Кимда-ким ўз биродарининг шаънини ҳимоя қилган бўлса, Қиёмат кунинда Оллоҳ унинг юзини (ўзини) дўзах ўтидан сақлайди"*. (Имом Аҳмад ривояти).

## **58. Чақимчилик**

Одамлар орасини бузиш мақсадида гап ташиш ўзаро алоқалар бузилишига ҳамда адоват ва хусумат гулханини аланга олишига асосий сабаблардан бири бўлиб келмоқда. Қуръони Каримда бундайларни ёмонлаб шундай дейилган: **"(Эй муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яна Сиз ҳар бир тубан касамхўр, ғийбатчи-ю, гап ташувчи(га).. итоат этманг! (Қулоқ солиб ўтирманг)"**. (Қалам: 10).

Хузайфа разияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиладилар: *"Қаттот (яширинча гап эшитиб сўнг уни етказадиган) жаннатга кирмайди"*. (Имом Бухорий ривояти).



Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо айтадилар: *"Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадина бозларидан бирининг ёнидан ўтаётиб, қабрда азобланаётган икки кишининг овозини эшитиб қолдилар ва: «Бу иккиси азобланаяпти ва лекин бу гуноҳ (кўринишидан) катта эмас», дедилар. Кейин: «Бироқ, (у катта гуноҳдир) улардан бири бавлидан (сийдигидан) сақланмас эди, иккинчиси чақимчилик қилиб юрарди», дедилар. (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).*

Гап ташишнинг энг ёмон хилларидан бири эрни хотинга ёки хотинни эрга ёмонлаб гап ташишдир. Ота-она билан фарзанд ўртасида гап ташиш ҳам кўп ёмон. Бундан мақсад кўпинча орани бузиш бўлади. Шунингдек, ходимларнинг ичларида раҳбар ёки масъул шахсларга гап ташиб бошқаларга зарар етказишга уринадиганлари бўлади. Буларнинг бари харом қилингандир.

## **59. Одамларнинг уйларига берухсат қараш**

Оллоҳ таоло деди: **"Эй мўъминлар, ўз уйлариңгиздан бошқа уйларга то изн**

**сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизгача кирмангиз". (Нур: 27).**

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам рухсат сўрашдан мақсад, уй эгаларининг авратларига кўз тушиш олдини олиш эканлигини баён қилиб шундай дедилар: *"Рухсат сўраш кўзни деб (яъни кўз тушмаслиги учун) жорий қилинган"*. (Имом Бухорий ривояти).

Бугунги кунда биноларнинг яқинлиги, уйларнинг уланиб кетганлиги, дераза ва эшикларнинг қарама-қарши жойлашганлиги, кўшнилари бир-бирига очилиб қолиш эҳтимолини кучайтирди. Кўпчилик кўзини олиб қочмайди. Баъзан тепа қаватда жойлашганлар дераза ва балконларидан пастдаги кўшниларининг уйларига қараб ўтирадилар. Бу эса, кўшничилик ҳаққига хиёнат ва унга беҳурматлик бўлиб, ҳаромга бошлайдиган бир восита ҳамдир. Кўп бало ва бузуқ ишларга мана шу иш сабабчи бўлган. Бунинг оғир жиноят эканлигига, шариятда бировнинг уйига ўғринча мўралаган кишининг кўзи кўр қилинишга буюрилгани етарли далил бўла олади: *"Ким бирор қавмнинг уйига рухсатсиз қараса, улар унинг кўзини ўйишга ҳақлари бор"*. (Имом Муслим ривояти).

Бошқа бир ривоятда: *"Кўзини ўйиб олсалар, ҳеч қандай тўлов ва қасос йўқ"*, дейилган. (Имом Аҳмад ривояти).

## **60. Уч киши бўлганда биридан яшириб, иккисининг пичирлашиши**

Бу иллат мажлисларнинг офати мусулмонларнинг бир-биридан ажратиб ташлаш, бир-бирларига нисбатан шубҳа-гумон уйғотиш мақсадидаги шайтоннинг макрларидан биридир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бунинг ҳукми ва иллатини баён қилиб, шундай деганлар: *"Уч киши бўлсанглар, то одамларга аралашмагунингизча бири қолиб иккиси пичирлашмасин. Чунки бу уни (учинчини) ранжитади"*. (Имом Бухорий ривояти).

Бу ҳадис учтаси бир бўлиб олиб тўртинчисини ажратиб қўйган ёки ундан кўп сонли кишиларга ҳам тааллуқлидир. Икки киши учинчилари тушунмайдиган тилда сўзлашиш-лари ҳам худди шунинг ўзидир. Шубҳа йўқки, икки кишининг ўзаро пичирлашуви учинчилари учун бир нав ҳақорат бўлади ёки уни "улар менга ёмонлик қилишмоқчи эканми", деган гумонга солади.

## 61. Кийимни ерга судраб юриш

Шундай ишлар борки одамлар наздида арзимас иш ҳисоблансада, Оллоҳнинг наздида оғир ишдир. Шулардан бири кийимни тўпиқдан пастгача тушириб узун кийиш. Баъзилар кийимни ерга текказиб юрсалар, айримлар ҳатто орқасига осилтириб судраб юради.

Абу Зарр разияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисда: *"Уч тоифа одамлар борки, Оллоҳ қиёмат кунда уларга гапирмайди, уларга қарамайди, уларни покламайди ва уларга аламли азоб бўлади. Кийимини узун қилиб ерга судраб юрувчи, миннатчи ва ёлгон қасам билан молини ўтказувчи кимсалар"*, дейилган. (Имом Муслим ривояти).

"Мен кийимимни кибр қилиб узайтирганим йўқ", дегувчи одам ўзини номақбул тарзда оқлаган бўлади. Чунки ҳадисдаги ваъид умумийдир, кибрни мақсад қилинганми, йўқми барибир. Бунга ушбу ҳадис ҳам далолат қилади: *"Изорнинг (шим, шалвар) тўпиқдан пасти дўзахдадир"*. (Имом Аҳмад ривояти).

Агар кибрланиб шундай қилса азоби қаттиқроқ ва оғирроқ бўлади: *"Ким кибр қилиб кийимини судраб юрса, Қиёмат кунда Оллоҳ унга қарамайди"*. (Имом Бухорий ривояти).

Чунки у икки ҳаром иш: кибр ва кийим судрашни жамлагандир. Ибн Умар разияллоху анҳумодан ривоят қилинган куйидаги ҳадис ҳар қандай кийимни узунлатиб тушириб олиш гуноҳ эканига далолат қилади: *"Исбол (кийимни узун қилиб судраш) лўнги, кўйлак ва саллада (бўлади). Кимки булардан биронтасини манманлик билан ерга судраб юрса, Оллоҳ унга Қиёмат кунда қарамайди"*. (Абу Довуд ривояти).

Аёл кишига шамол ёки бошқа бирор сабаб бўлиб оёқлари очилиб қолмаслиги учун эҳтиёт юзасидан бир-икки қарич ерга судраб юришга рухсат берилган. Лекин баъзи келинларнинг куйлаклари каби бир неча метр ёки орқасидан этагини кўтариб юриш даражасигача кийиш, шубҳасиз, бу ҳаддан ошишдир.

## 62. Эркакларнинг тилла билан зийнатланишлари

Абу Мусо Ашъарий разияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиладилар: *"Олтин ва инак умматимнинг аёлларига ҳалол, эркакларига ҳаром қилинди"*. (Имом Аҳмад ривояти).

Бугунги кунда бозорлар, магазинлар эркаклар учун хилма-хил тилла соат, кўзойнак, тугма, ручка, занжир, узуклар ёки тилла суви юритилган молларга тўлган. Баъзи мусобақалардаги: *"Мукофот эркакларнинг тилла соати"* деб эълон қилиниши ҳам мункар ишлардандир.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишининг қўлида тилла узукни кўриб, уни ечиб олиб отиб юбордилар ва: *"Сизлардан бир киши дўзахдан бир бўлак чўғни қасд қилади-да, уни қўлига тақиб олади"*, дедилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам кетганларидан кейин ҳалиги одамга: *"Узугингни ол (сотиб) фойдаланарсан!"*, дейишди. *"Йўқ! Уни ҳеч қачон олмайман, чунки уни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам отиб юбордилар"*, деди у. (Имом Муслим ривояти).

### **63. Аёлларнинг калта, юпқа ва тор кийим кийишлари**

Ҳозирги вақтда Ислом душманларининг мусулмонларга қарши қўллаётган қуролларида бири шаклу-шамоиلى хилма-хил модалар ва кийим-кечаклар бўлиб қолди. Бундай кийимлар мусулмонларнинг орасида ҳам кенг тарқаб ривожланиб кетди. Бу кийимларнинг кўпи ўзининг калталиги, шаффофлиги ва торлигидан ҳаттоки аёллар ва махрамларнинг олдида ҳам кийишга ярамайди.

Охири замон хотинларининг эғнида ана шундай кийимларнинг пайдо бўлиши ҳақида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз ҳадисларида хабар бериб ўтганлар: *"Мен кўрмаган икки тоифа борки, улар дўзах аҳлидандир: Сигирнинг думига ўхшаши қамчилари бўлиб, у билан одамларни урадиган тоифа ҳамда кийим кийган ялангоч, йўлдан урувчи, йўлдан озган аёллар. Уларнинг бошлари (сочни бошининг тепасига йиғиб олгани учун) туянинг ўркачи кабидир. Улар жаннатга кирмайдилар, унинг ҳидини ҳам топмайдилар. Ҳолбуки, унинг ҳиди фалон йиллик масофадан келиб туради"*. (Имом Муслим ривояти).

Баъзи аёлларнинг куйлаklarининг этакларини орқасидан ёки ёнидан узун қилиб кесиб олишлари мазкур ҳадис остига тушади. Бундай аёллар ўтирганларида уятли жойлари кўриниб қолиши билан бирга ғайри динларга, уларнинг модаларига, шарманда кийим-кечакларига тақлид қилаётганларини унутмасинлар! Шунингдек, баъзи кийимлардаги бемаъни суратлар; масалан, қўшиқчиларнинг, гуруҳларнинг суратлари, арок идишлар ва сигаретлар суратлари, жонли нарсалар, хоч(крест)нинг ҳамда нопок клуб ва жамиятлар рамзларининг суратлари, шунингдек ажнабий тиллардаги уятсиз иборалар акси туширилган кийимларни кийиш ҳам ҳаром.

## **64. Эркак ва аёлларнинг соч улатиши**

Асмо бинти Абу Бакр разияллоҳу анҳумо дедилар: *"Бир аёл Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: "Ё Расулulloҳ, мени узатиладиган қизим қизамиққа чалиниб, сочи тўкилиб кетди, соч улатиб олсам бўладими?", деб сўради. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Оллоҳ соч уловчини ва улатувчини лаънатлади", дедилар. (Имом Муслим ривояти).*



Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу бундай деганлар: *"Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошига бирон нарса улаган аёлни ёмон кўрар эдилар"*. (Имом Муслим ривояти).

Сочга ҳар хил нарсалар улаб олиш ёки баъзи артистларнинг театр ва томошаларда кийиб оладиган париклари ҳам шу кабидир.

## **65. Кийинишда, гапиришда ва кўринишда аёл ва эркакларни бир-бирларига тақлид қилишлари**

Эркак-эркаклик, аёл-аёллик хусусиятларини муҳофаза қилиши Аллоҳ таоло бандалари учун яратган фитрат (табиат)га мос ишдир. Бу қоидага амал қилмаган инсоннинг ҳаёти издан чиқади. Эркакларнинг аёлларга, аёлларнинг эркакларга ўхшашга интилиши табиатга зиддир. Бундай қилиш турли хил бузукчилик, ахлоқсизлик ва пасткашликлар учун йўл очади. Бинобарин, шариатда бундай ишнинг ҳукми ҳаромдир. Шаръий насса (Қуръон, ҳадис) бирор амални содир этувчи лаънатланган бўлса, бу ўша амалнинг ҳаром экани ва у гуноҳи кабиралардан экани билдиради.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ушбу ҳадисни ривоят қилганлар: *“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, эркаклардан аёлларга ва аёллардан эркакларга ўхшамоқчи бўлганларини лаънатладилар”*. (Имом Бухорий)

Яна бир ҳадисда: *“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, хотинчалиш эркак ва эркакшода аёлларни лаънатладилар”*. (Имом Бухорий)

Ўхшашга интилиш ҳаракатларда, туришда, юришда ва сўзлашда бўлиши мумкин. Шунингдек, кийимда ҳам ўхшаш мумкин. Шунинг учун эркак кишига занжир, билакузук ва зирак кабиларни тақиш мумкин эмас. Аёлларга ҳам эркакларга хос бўлган кўйлак, телпак, костюм ва шимларни кийиш мумкин эмас. Аксинча, аёл қиёфада, шаклда ва рангда эркакларнинг зидди бўлиши керак.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган қуйидаги ҳадис ҳар икки жинснинг кийимда бир-бирларига муҳолиф бўлишлари вожиб эканига далилдир: *“Аллоҳ аёллар кийимини киядиган эркакни ва эркаклар кийимини киядиган аёлни лаънатлади”*. (Абу Довуд)

## 66. Мўйни (соч-соқолни) қорага бўяш

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги ҳадисларидаги мазкур ваидга биноан бунинг гуноҳлиги аниқдир. *“Охир замонда худди капитарнинг жигилдони (кўкраги) каби соч-соқолларини қорага бўяб оладиган қавм чиқади, улар жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайдилар”*. (Абу Довуд, Насоий)

Бу иш соч-соқолига оқ тушганлар орасида кўп учрайди, улар соч-соқолларини қорага бўяшади бунинг натижаси ўлароқ кўп ёмонликлар ҳосил бўлади. Жумладан: одамларни алдаш ва ҳақиқий ҳолатни беркитиш, ўзида бўлмаган нарсани бордек кўрсатиш ва ҳоказо... Қорага бўяш кишининг феъл-атвориға таъсири қилиши муқаррар, бундай кишида баъзан манманлик пайдо бўлади.

Пайғамбар соллalloҳу алайҳи ва саллам оқ мўйни, қизғиш (чиннигул рангига ўхшаш), қизил ёки жигарранги бор хина билан ўзгартирганлари ҳақида саҳиҳ ривоятлар бор.

Макка фатҳ қилинган кун соч-соқоли пахтадек оқариб кетган Абу Қуҳофани (Абу Бакр Сиддиқнинг отасини) ҳузурларига олиб келишганда: *“Бу соч-соқолнинг рангини ўзгартиринглар ва қорадан четланинглар”*. (Имом Муслим)

Сочни қорага бўяш ҳукмида эркагу аёл баробардир. Шунинг учун аёл кишига ҳам эркак ки-

ши каби оқарган сочларини қорага бўяши мумкин эмас.

## **67. Кийим, девор, қоғоз ва шу кабиларга жонзотларнинг расмларини чизиш**

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиладилар: *“Қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурида одамларнинг энг қаттиқ азобланадиганлари мусаввирлардир”*. (Имом Бухорий)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: *“Аллоҳ таоло деди: “Менинг яратганимдек яратишга уринган кишилардан ҳам золимроқ кимсалар борми?! Қани бир дона донни ёки битта заррани яратсинлар-чи... ”*. (Имом Бухорий)

Абдуллоҳ Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиладилар: *“Барча мусаввирлар дўзахдадир. Унинг ҳар бир чизган сурати учун унга биттадан жон ато қилинади ва улар билан жаҳаннамда азобланади”*, Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо дедилар: *“Чизишинг зарур бўлса, дарахтни ёки бирор жонсиз нарсани чизгин...”*. (Имом Муслим)

Ушбу ҳадислар одам ҳамда бошқа барча жонли хайвонларнинг суратларини, улар сояли бўлсин, со-

ясиз, босма, чизма, ўйма, бўртма, қуйма ва бошқа барча турларини таъқиқланганлигини кўрсатади.

Сурат чизишнинг харомлиги хақидаги ҳадислар юқорида саналган турларнинг барчасига тегишлидир. Мусулмон одам шариат кўрсатмаларига бўйсинади, тортишиб: “Мен уларга ибодат, сажда қилиб сиғинмайман-ку”, деб қайсарлик қилмайди.

Асримиздаги рассомчиликнинг кўпайиб кетгани оқибаотида келиб чиқаётган ёмонликлардан фақат бит-тасигагина ақл кўзи билан қараган киши шариатнинг уни ҳаром қилишдаги ҳикматини англай олади.

Кўп бузуқликлар, шахвоний хирсни жунбушга келиши алалоқибат зиногада қўл уришга очик суратлар туфайли бўлаётгани сир эмас.

Мусулмон киши фаришталарнинг киришига тўсик бўлувчи жонзотларнинг суратларини ўз уйида сақла-маслиги керак. Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Ит ва суратлар бор уйга, фаришталар кирмайди*”, деганлар. (Имом Бухорий)

Баъзи хонадонларда кофирларнинг маъбудалари уйларининг тўрига кўйиб кўйилганига гувоҳ бўламиз. Бунинг ҳаромлиги қаттиқроқдир.

Шунингдек, осиб кўйилгани, осилмаганидан ёмон-роқдир. Чунки бундай суратлар кўп ҳолларда улуғлашга ёки ёддан чиққан ғам-қайғуларни эсла-тувчи, ҳамда ўзаро фахрланишни келтириб чиқарувчидир. “Бу суратлар биз учун эсдалик – хоти-

радир” дейиш ярамайди. Азиз ва яқин кишиларнинг ҳақиқий хотираси дилда бўлади, уларнинг ҳаққига раҳмат ва мағфират тилаб дуо қилинади.

Шундай экан, уйдаги барча суратларни чиқариб ташлаш керак. Зарурат юзасидан баъзи қомус ва луғатлар, ўқув китоблари ва шу кабилардаги суратлар бундан мустаснодир. Шунингдек, шахсни тасдиқловчи ҳужжатлардаги суратларни ҳамда оёқ ости бўладиган суратларни сақлаш мумкин. Аллоҳ таоло деган: *“Бас, кучларингиз етганича Аллоҳдан кўрқинглар”*. Тағобун: 16.

## **68. Туш билан алдаш**

Баъзи одамлар бирон обрў (фазилат) орттириш ёки бирон молиявий манфаатни кўлга киритиш ёки душмани бўлса уни кўрқитиш ва ҳоказо мақсадларда, кўрмаган тушни кўрдим, деб ёлғон туш тўқишади. Омма халқда эса тушларга эътиқод қиладиган, уларга маҳкам ёпишиб олганлари бор, шу сабабдан кўпинча алданиб юрадилар.

Кўрмаган тушни кўрдим деб алдайдиганлар тўғрисида каттиқ ваидлар ворид бўлган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Ёлғоннинг энг ёмони кишининг ўз отасидан бошқани отам деб даъво қилиши ёки кўрмаган тушни кўрдим дейиши*

*ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтмаган сўзни айтди дейишидир*". (Имом Бухорий)

Яна Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдиларки: *"Ким кўрмаган тушни кўрдим деса, икки дона қилни бир-бирига боғлашга буюрилади, буни эса ҳеч қачон уддалай олмайди..."*. (Имом Бухорий) Икки қилни бир-бирига боғлаш имконсиз иш, жазо қилмишга яраша бўлади.

## **69. Қабрга ўтириш, уни оёқ билан босиш ва қабристонда ҳожат чиқариш**

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу дедилар, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *"Сизлардан бирингиз қабр устига ўтирганидан кўра, чўғни устига ўтириши, ўт унинг кийимларини куйдириб, баданига ўтиши яхшироқдир"*. (Имом Муслим)

Қабрни босишга келсак, баъзи кишилар ўз маййитларини дафн этаётганларида бошқа қабрларни бемалол босиб ўтаверадилар, кўшни маййитларга ҳеч қандай эҳтиром кўрсатмайдилар. Бу ишнинг нақадар оғир экани ҳақида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *"Муслмоннинг қабри устидан юрганимдан кўра чўғ ёки қилич тиги устида юришим ёки кавушимни оёғимга бигиз билан тикиб олишим яхшироқдир"*. (Ибн Можа) Шундай экан қаб-

ристон ерларини эгаллаб олиб у ерга дўкон ёки уй-жой солганларнинг иши қандай бўларкин?!

Қабристонга кириб бавл ё ҳожат чиқарадиганлар эса охиратдан улуши йўқ кимсалардир. Улар ўзларининг сассиқлари ва нажосатлари билан марҳумларга озор етказган бўладилар. Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам айтганлар: *“Қабрларнинг ўртасида ҳожатимни чиқардимми, бозорнинг ўртасидами менинг учун фарқи йўқ”*. (Ибн Можа)

Яъни мақбарада ҳожат чиқариш бозорда одамлар кўз ўнгида авратини очиб ҳожат чиқарган каби хунук ишдир. Қабристонга айниқса, у ташландиқ ҳолда ва деворлари бузилган бўлса, ахлат ва чиқиндиларни ҳамда ҳар хил нопок нарсаларни ташловчилар ҳам юқоридаги ваиддан бенасиб қолмайдилар.

Қабрлар орасидан юганда оёқ кийимларни ечиб қўйиш қабристон зиёрати одобларидандир.

## **70. Сийдикдан сақланмаслик**

Шариати Исломиянинг афзалликларидан бири, у инсон шаънига муносиб бўлган барча фазилатларга тарғиб этади. Мана шулардан бири нажосатдан сақланишдир. Шунинг учун шариат қазои ҳожатдан кейин истинжо (ювиш) ва истижмор (артиш, тозалаш) ни жорий қилди ҳамда озодалик ва покликка эришиш йўлларини баён қилди.



Баъзи кишилар кийими ва баданидаги нажосатни кетказишга бепарволик билан қарайдилар. Бу ўз навбатида намознинг дурустлигига путур етказди. Ўлгандан кейин эса қабрда азобланишга сабаб бўлади.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтадилар: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадина деворларидан бирининг ёнидан ўтаётганларида қабрларида азобланаётган икки кишининг овозини эшитиб қолдилар ва: *“Бу иккиси азобланишяпти, катта нарса учун азобланаётганлари йўқ”*, кейин айтдилар: *“Ҳа, бу катта нарсадир (бошқа ривоятда: “Ҳақиқатда эса у катта нарсадир.”)*. Улардан бири сийдикдан сақланмас эди, иккинчиси эса чақимчилик қилиб юрарди”. (Имом Бухорий)

Яна бир ҳадисларида: *“Қабр азобининг аксари сийдик туфайли бўлади”*, деганлар. (Имом Аҳмад)

Шошилиб яъни сийдиги тўла тўхтамай ҳожатдан турувчи ёки сийдик сачрайдиган жой ё ҳолатда бавл қилувчи, истинжо ё истижмор қилмайдиган ва унга бепарво бўладиган кишилар сийдикдан сақланмайдиганлар қаторига кирадилар.

Ғайридинларга тақлид қилиш, ҳожатхоналаргача етиб борди. Бундай ҳожатхоналарда ҳожат жойлари деворларга ўрнатилади. Кишилар эса авратлари очик ҳолда ўтган кетганнинг олдида уялмасдан бавл қилаверадилар ва ювмасдан ё артмасдан кийимларини

кийиб кетаверадилар. Бу билан улар икки ҳаром ишни қилган бўладилар. Биринчи: авратларини одамлар кўзидан сақламаган, иккинчи: сийдикдан сақланмаган ва ундан покланмаган бўладилар.

## 71. Гап пойлаш

Аллоҳ таоло деди: “*Айгоқчилик қилманглар*”.  
Ҳужурот: 11.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “*Гап пойлаган одамнинг қулоғига Қиёмат куни эритилган қўرғошин қуйилади*”. (Табароний)

Гаплашувчиларга зарар етказиш мақсадида, билдирмай уларнинг гапларини етказадиган кимса гап пойлаш гуноҳи устига яна бир гуноҳни орттириб, ушбу ҳадисда кўрсатилган кишига айланади: “*Қат-тот* (пинҳона гап пойлаб, сўнг уни етказадиган одам) *жаннатга кирмайди*”. (Имом Бухорий)

(Арзимас пул учун ё шахсий адоват деб ё қалбидаги мараз-ҳасад сабабидан қулоқлик қилиб мусулмонларга зарар етказётганлар мана шуларни яхшилаб уқиб олсинлар.)

## 72. Ёмон қўни-қўшничилик

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўз Китобида қўшниларга яхшилик қилишга буюриб, шундай деди: *“Аллоҳга бандалик қилинглар ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглар! Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош қўшни ва бегона қўшнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга ва қўлларингиздаги қўлларингизга яхшилик қилингиз. Албатта, Аллоҳ мутакаббир мақтанчоқ бўлган кимсаларни севмайди”*. Нисо: 36.

Қўшниларнинг ҳаққи жуда улуғ бўлганидан уларга озор етказиш гуноҳ саналади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Аллоҳга қасамки, мўъмин эмас. Аллоҳга қасамки, мўъмин эмас. Аллоҳга қасамки, мўъмин эмас”*. Саҳобалар: *“Ким ё Расулуллоҳ?”* деб сўрадилар. *“Қўшнисининг ёмонлигидан тинч-омон бўлмаган кимса”*, деб жавоб бердилар. (Имом Бухорий)

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўшнининг мақташи ё ёмонлашини, кишининг яхши ёки ёмон эканига ўлчов қилиб белгиладилар. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу дедилар: *“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир киши деди: “Ё Расулуллоҳ, яхшилик ё ёмонлик қилганимни қандай билсам бўлади?”* Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *“Қўшниларинг “яхши қилибсан”,*

десалар, яхши иш қилган, “ёмон қилибсан”, десалар, ёмон иш қилган бўласан”. (Имом Аҳмад)

Қўшнига озор беришнинг ҳар хил кўринишлари бор. Масалан, ўртадаги муштарак деворга ёғоч қоқтирмаслик, баланд иморат солиб, куёш ё ҳавони қўшнидан тўсиб қўйиш, қўшнисининг ҳовлисига қаратиб дераза очиб кузатиш, радио-телевизор ё магнитофонларнинг товушларини баланд қилиб ёки тарақтурук, бақир-чақир каби овозлар билан шовқин солиб, хусусан уйқу ва дам олиш соатларида, қўшнилари безовта қилиш. Болаларини уриб-сўкиш, остонасига ахлат ташлаш қабилар шу жумладандир.

Агар содир этилган гуноҳ қўшнининг ҳаққига нисбатан содир этилган бўлса, у яна ҳам оғирлашади, уни содир этувчининг гуноҳи бир неча ҳисса ортиқроқ бўлади. Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “*Кишининг ўнта аёл билан зино қилиши, қўшнисининг хотини билан зино қилишидан энгилроқдир... Кишининг ўнта уйдан ўзрилиқ қилиши, қўшнисининг уйдан ўзрилиқ қилишидан энгилроқдир*”. (Имом Бухорий)

Қўшнисининг тунги навбатчиликка кетишини пойлаб туриб, унинг уйига бузуқ ниятда кирадиган хиёнаткор қўшниларга эса Қиёмат кунининг аламли азобларидан мўл улуш бўлур.

## 73. Васият орқали зарар етказиш

Шариатда умумий коида бор: *“Бировга зарар бериши ҳам зарар кўриши ҳам йўқ”*.

Васият орқали шаръий меросхўрларидан бирортасига зарар етказиш ана шунга мисол бўлади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бунинг оқибатидан огоҳлантирганлар: *“Ким бировга зарар етказса, Аллоҳ ҳам унга зарар етказади. Ким бировга машаққат етказса, Аллоҳ ҳам унга машаққат етказади.”* (Имом Аҳмад)

Меросхўрлардан бирортасини шаръий улушидан маҳрум этиш ёки унга шариатда кўрсатилган улушдан бошқача улуш васият қилиш ёки меросхўри учун мероснинг учдан биридан кўпроғини васият қилиш кабилар васият билан зарар етказишнинг кўринишларидандир.

Мерос ҳақидаги шаръий ҳукмлар юрмайдиган жойларда меросхўрлар маҳкамаларда чиқариладиган шариатга хилоф ҳукмлар туфайли ўзларининг Аллоҳ томонидан белгиланган улушларини ололмайдилар. *“... бас, ёзган нарсалари уларга ҳалокат бўлмай, топанг фойдалари уларга ҳалокат бўлмай”*.

## 74. Нарда ўйнаш

Одамлар орасида тарқалган ва ўйналадиган кўп ўйинлар ҳаром ишларни ўз ичига олади. Нарда шундай ўйинлардан бири. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу қиморга йўл очувчи ўйиндан қаттиқ қайтариб айтганлар:

*“Ким нарда ўйнаса, ўз қўлини тўнғизнинг гўшти ва қонига беландек бўлибди”*. (Имом Муслим)

Абу Мусо розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда: *“Ким нарда ўйнаса, бас у Аллоҳ ва унинг Расулига осий бўлибди”*. (Имом Аҳмад)

## 75. Ноҳақ қарғаш

Кўп одамлар аччиқлансалар тилларига эрк бериб юборадилар ва қарғашга тушадилар. Қарғаганда ҳам кетма-кет ким ё нималигига қарамай, одамми, ҳайвонми, жамодотми, кунми, замонми фарқсиз ҳатто ўзлари-ю, фарзандларини ҳам қарғайдилар, эр хотинини ёки аксинча хотин эрини қарғайди. Буларнинг бари хатарли мункар ишдир. Бу ҳақда Абу Зайд Собит ибн Заҳҳок Ансорий розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Мўъминни қарғаш уни ўлдириши кабидир”*. (Имом Бухорий)

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинларнинг дўзахга киришларига уларнинг кўп қарғашлари сабаб эканини айтганлар. Шунингдек, кўп қарғайдиганлар Қиёмат куни шафоатгўй бўлолмайдилар. Бундан ҳам хатарлиси қарғовчи агар ноҳақ қарғаган бўлса, қарғиши ўзига уради ва ўзини-ўзи қарғаган бўлади, Аллоҳнинг раҳматидан ўзини ўзи маҳрум этган бўлади.

## **76. Мусибат етганда овоз чиқариб йиғлаш**

Баъзи аёлларни азада уввос солиб йиғлашлари, маййитни ортиқча мадҳ этишлари, юзларига уриб, ёқа йиртиб сочларини юлишлари буларнинг бари энг мункар ишлардан саналади ҳамда қазои-қадарга норозилик ва мусибатга сабрсизликдан далолат беради. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай қилганларни лаънатлаганлар. Абу Умома разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда: *“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам юзини тирнайдиган, ёқасини йиртадиган, ҳалокат ва ўлим билан дуоибад қиладиган аёлни лаънатладилар”*. (Ибн Можа)

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Юзларига урадиган, ёқаларини йиртадиган ва жоҳилият чақиригини қиладиган кимса биздан эмас”*. (Имом Бухорий)

Абу Молик Ашарий разияллоҳу анҳу расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу ҳадисини ривоят қилди: *«Гўянда ўлимидан аввал тавба қилмаса, Қиёмат кунида эгнида эритилган кўрғошиндан иштони ва қўтир совут билан қайта тирилтирилади»* (Имом Муслим, ҳадис № 934).

## **77. Юзга уриш ва унга тамға босиш**

Жобир разияллоҳу анҳу дедилар: *“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам юзга уришдан ва унга тамға босишдан қайтардилар”*. (Имом Муслим)

Юзга уриш ҳақида гапирганда баъзи ота-оналар ҳамда ўқитувчилар болаларни юзларига уриб жазолашларини айтиб ўтиш лозим. Шунингдек, айрим кишилар хотинларини, баъзилар эса хизматчиларини ана шундай тарзда уришади. Бу иш Аллоҳ инсонни у туфайли азиз қилган юзни беҳурмат қилиш билан бирга, гоҳида бундан юздаги мавжуд аъзоларга шикаст етиб, кейин пушаймон қилишга ва гоҳо қасос талаб қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳайвонларнинг юзларига тамға босишга келсак, буни молнинг эгаси ўз молини билдириши ва йўқолиб қолгудай бўлса, шу белгидан ажратиб қайтариб олиши учун қилишади, бу ҳам ҳаром. Чунки бунда шаклни бузиш ва азоблаш мужассамдир. Агар баъзилар бу



биздаги урф-одат ва ажратиб олиш белгиси дейдиган бўлса, уни юздан бошқа жойига тушириши мумкин.

## **78. Бирор шаръий сабабсиз мусулмон билан уч кундан ортиқ аразлашиш**

Шайтон мусулмонларнинг ўртасини бузишга ҳаракат қилади. Шаръий сабабларсиз ўз мусулмон биродари билан уч кундан ортиқ аразлашиб юрадиганларнинг аксари шайтонга эргашган бўлиб, бунга кўпинча бирор моддий келишмовчилик ёки биронта арзимас сабаб бўлади ва аразлаш узоқ вақт давом этади. Гоҳида гаплашмасликка ё уйига қадам босмасликка қасам ҳам ичилади. Йўлда рўбарў келиб қолса, юзини тескари буради, мажлисларда ёнидагилар билан кўришади-ю, у билан кўришмай ўтиб кетади.

Мусулмон халқларнинг кучсиз бўлиб қолганларининг сабабларидан бири ҳам мана шу аразлашишдир. Шунинг учун ҳам аразлашишнинг шариатдаги ҳукми жуда кескин ва жуда оғирдир. Абу Ҳурайра розияллоху анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар солалаллоху алайҳи ва саллам шундай деганлар: *“Мусулмонга ўз биродари билан уч кундан ортиқ аразлашиб юриши ҳаромдир. Шу (аразлашган) ҳолида ўлиб кетса, дўзахга киради”*. (Абу Довуд)

Абу Харош Асламийдан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади: *“Биродаридан бир йил аразлаб юр-*

ган одам, унинг қонини тўккан билан баробар бўлади”. (Имом Бухорий)

Аразлашиш оқибатида Аллоҳнинг мағфиратидан маҳрум бўлишнинг ўзи етарли бўлса керак: Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Одамларнинг амаллари ҳар ҳафтада икки марта кўрсатилади, душанба ва пайшанба кунлари. Ана шунда ҳар бир мўмин банда мағфират қилинади, лекин аразлашганлар бундан мустаснолар. Улар ҳақида: “Буларни қолдиринглар” ёки “ярашгунларича кечиктиринглар”, дейилади”*. (Имом Муслим)

Аразлашганлардан қайси бири Аллоҳга тавба қилган бўлса, бориб биродарига салом бериши вожиб бўлади, биродари шунда ҳам юз ўгирса, у ҳолда борган тарафнинг бўйнидан гуноҳ соқит бўлиб, бутун масъулият юз ўгирган тарафнинг бўйнига тушади.

Абу Айюб розияллоху анху Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламдан ушбу ҳадисни ривоят қилганлар: *“Мусулмон кишига биродари билан уч кечадан ортиқ аразлашиши ҳалол эмас, бир-бирига йўлиққанда униси у ёққа буниси бу ёққа бурилиб кетади, қайси бирлари аввал салом берса, ана ўша уларнинг яхшироғидир”*. (Имом Бухорий)

Аmmo энди аразлаб алоқани узишга намоз ўқимаслик ёки фаҳш ишлардан тийилмаслик каби шаръий сабаблар мавжуд бўлса ва алоқани узишнинг гуноҳ

қилувчига нафи тегса (кор қилса) яъни у ўзини тузутса ё хатосини сезса, у ҳолда араз қилиб алоқани узиш вожиб бўлади. Лекин қилинган араз гуноҳкор билан бўлган алоқани ёмонлаштира, у яна ҳам кўпроқ гуноҳлар қилаверадиган бўлса, унда араз ноўрин бўлади. Чунки у шаръий мақсадга зид бўлиб, аксинча зарари, фасодни зиёда қилади. Шунинг учун яхшилик қилиш, насихатга ўтиш ва эслатиб туришни давом эттириш тўғри бўлади.

Аллоҳ таоло ўрталаримизни ислоҳ, қалбларимизни улфат қилиб, ўртамиздаги гина-адоватларни кўтариб, меҳр-муҳаббатни зиёда қилсин.

## **ХОТИМА**

Жамиятимизда тарқалган ҳаром амаллар ҳақида жамлаганларимиз шулар бўлди. Аслида бу узун мавзу бўлгани боис, манфаат тўла бўлиши учун Қуръон ва суннатда ворид бўлган қайтарилган амаллар ҳақида Аллоҳ хоҳласа алоҳида рисола ёзмакчиман.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан Унинг гўзал исмлари билан, гуноҳлардан тўсувчи тақво, жаннатга етказувчи солиҳ амал, гуноҳларимиз ва ишларимиздаги хатоларимизга мағфиратни, тавбаларимизни қабул этишини ва гуноҳларимиздан поклаб, Ўзидан ўзгага муҳтож қилмаслигини сўраймиз. Аллоҳ таоло эшитувчи, дуоларни ижобат қилувчи Зотдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога, аҳли байтларига, асҳоби киромларига ва қиёматга қадар уларга чиройли амаллар билан эргашган барча-барчага саловотлар ва саломлар йўллаб, сўзимизни тугатамиз.